БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 48 (539)

4 МАРТ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

УМУМАН ПАРТИЯНИНГ ВА АЙРИМ ҲОЛДА ҲАРБИР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ МЕҲНАТКАШЛАР КЕНГ ОММАСИ БЛАН АЛОҚАСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯ ОЛДИДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИДИР. С'ЕЗД ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ Э'ТИБОРИНИ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВА КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК ВА МАДАНИЙ ҚУРИЛИШДАГИ, АҲОЛИНИНГ КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ВА ТАЛАБЛАРИНИ ҚОНДИРИШ, МЕҲНАТКАШЛАРНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШ ИШИДАГИ РОЛИНИ ҚАТ'ИЙ РАВИШДА КУТАРМОҚ УЧУН УЛАРНИНГ ИШЛАРИНИ ЖОНЛАНТИРИШ ЗАРУРЛИГИГА ЖАЛБ ҚИЛАДИ

(КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг резолюциясидан).

КПСС XX с'езди материалларини кенг пропаганда қилайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг монолит бирлигини, унинг ленинчи Марказий Комитет теварагига мустаҳкам жипслашганлигини ёркин намойиш қилган КПСС XX с'езди партиямиз ва халқимизнинг коммунизм тантанаси учун қаҳрамонона кураш тарихида жуда катта воқеа бўлди. С'езд совет халқининг фидокорона меҳнати, Коммунистик партиянинг буюк ташкилотчилик фаолияти туфайли қўлга киритилган оламшумул тарихий галабаларни якунлади, коммунистик қурилишнинг янги улуғвор вазифаларини белгилаб берди, марксизм-ленинизм хазинасига ғоят катта назарий ҳисса қўшди.

Кўпмиллатли ва кўпмиллионли совет халқи, бутун прогрессив инсоният КПСС XX с'ездининг қарорларини яқдиллик билан қизғин ма'қуллаб кутиб олдилар. С'езд қарорлари мамлакатимизда ғоят буюк бўтаринкиликни вужудга келтирди, совет кишиларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб юборди.

Коммунистик қурилишнинг КПСС XX с'ези томонидан қўйилган жуда катта вазифаларини муваффақиятли бажариш барча маҳаллий партия ташкилотларидан с'езд материалларини кенг пропаганда қилишни, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини тобора яхшилаш ва оммавий-сиёсий ишларни ҳартарафлама кучайтиришни, бу ишларнинг ҳаммасини ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси билан маҳкам боғлаб олиб боришни талаб этади.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг резолюциясида бундай дейилади:

«С'езд пропагандининг коммунистик қурилиш практикасидан ажралиб қолганлигини тугатишни идеология ишлари соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Пропаганда ва агитациямизни коммунизмнинг моддий-ишлабчиқариш базасини вужудга келтириш, моддий ва маданий не'матларни мўл-кўл қилиб яратиш, гражданларнинг коммунистик онглилигини ўстириш вазифалари билан мустаҳкам боғлаб олиб бориш ҳамда марксизм-ленинизмнинг ижодий руҳига ёт бўлган догматизмга ва қироатхонликка хотима бериш зарур. Пропагандининг вазифаси фақат марксизм-ленинизм назариясини тушунтириб беришдангина иборат бўлмай, шу билан бирга бу назарияни амалда турмушга оширишга ёрдам беришдан ҳам иборатдир».

С'езднинг бу кўрсатмасига амал қилиб, пропаганда ишларини қайта қуриш, кадрларимизни, барча меҳнаткашларни с'езд қарорлари билан, коммунизм қурилиши ҳақидаги ленинча та'лимотнинг голиб идеялари билан қуроллантириш — ҳарбир партия ташкилотининг шу кеча-кундуздаги энг муҳим вазифаси ва шарафли бурчидир. С'езд материалларини ўрганиш, с'езд ҳужжатларида келтирилган рақам ва фактлар билан, бу ҳужжатларда ривожлантирилган назарий қоидалар ва сиёсий хулосалар билан батафсил танишиш ҳозирги халқаро вазиятни тўғри тушунишга, Совет мамлакатининг халқаро миқ'ёдаги обрўси беқиёс ўсганлигини ва ички аҳволи ғоят барқарор, мустаҳкам эканлигини янада яхшироқ билиб олишга ёрдам беради, совет кишиларида севикли Ватанимиз учун, халқимизни коммунизм тантанаси сари бошлаб бораётган жонажон партиямиз учун қонуний фахрланиш туйғуларини янада кучайтиради.

Областимиз меҳнаткашлари бутун совет халқи каби партия XX с'ездининг материалларини ғоят зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Партия ташкилотлари с'езд материалларини пропаганда қилишга алоҳида э'тибор бермоқдалар. Саноат корхоналарида, йирик қурилишларда, темир йўл транспортида, колхоз ва совхозларда, МТС-ларда, ўқув юртлари ва давлат муассасаларида КПСС XX с'ездининг тарихий резолюцияси ва Директивалари юзасидан доклад, лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда, консультациялар уюштирилмоқда.

Тошкентдаги И. В. Сталин номли тўқимачилик комбинатининг партия комитети коллектив ўртасида с'езд материалларини ўрганишни яхши ташкил этди. Юзларча агитаторлар комбинат цехларида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг материаллари тўғрисида, с'езд томонидан мамлакатимиз олдига қўйилган улуғвор вазифалар ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар. Бу суҳбатлар ҳарбир цех, фабрика ва комбинатнинг конкрет ишлари билан маҳкам боғлаб олиб борилмоқда. Комбинатда энг янги техникани жорий қилиш, айрим участкаларни автоматлаштириш, мавжуд ускуналарни модернизациялаш соҳасида қилинаётган катта ишлар маҳсулот ишлаб чиқаришни 15,5 процент кўпайтириш имкониятини беради. Тўқимачилар бу вазифани тезроқ амалга ошириш истаги билан тўлиб-тошган ҳолда с'езд материалларини ўрганмоқдалар.

С'езд қарорларидан бениҳоя руҳланган ишчилар, колхозчилар ва совет интеллигентлари меҳнат унумини тобора ошириб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги муваффақиятларга эришиш, олтинчи бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. С'езднинг тарихий ҳужжатлари билан танишиш уларнинг қалбида янги куч ва ғайрат, зўр аҳтирос ҳосил қилмоқда. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи прокатчилар бригадасининг раҳбари С. Нуриддинов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг КПСС Марказий Комитети ҳисобот доклади юзасидан қабул қилган резолюцияси тексти билан, шунингдек олтинчи бешйиллик план ҳақидаги Директивалар билан танишиб чиққач, қуйидагиларни айтди:

— Партиямиз XX с'ездида қабул қилинган қарорларнинг ҳарбир сўзи, ҳарбир сатри Ватанимизни янада яшнатиш, совет халқининг фаровонлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган. Биз ленинчи Марказий Комитетни ишонтириб айтамизки, партия томонидан қўйилган ҳамма вазифаларни муддатидан илгари бажариш учун бор кучимизни, ҳамма билимимизни сарфлаймиз.

Маҳаллий партия ташкилотларининг вазифаси—меҳнаткашлар ўртасида вужудга келган юксак ватанпарварлик ҳаракатини ҳартарафлама қўллаб-қувватлашдан, уларнинг ижодий ташаббусларини янада ўстиришдан, коммунизм учун курашнинг буюк йўлномасига энг муҳим давр бўлиб кирган партия XX с'езининг материалларини кенг пропаганда қилишдан иборатдир. Улар сиёсий агитациянинг барча хили ва формаларидан фойдаланиб, с'езд материалларини ўрганишни пухта уюштиришлари, бу соҳадаги агитация ишларини ҳартарафлама кучайтириб юборишлари керак. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамият бўлимлари ва маданий-оқартув муассасалари, комсомол ташкилотлари с'езд материалларини пропаганда қилишда маҳаллий партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари зарур.

КПСС XX с'езди қарорлари ва Директиваларини оммага пухта тушунтириш — ҳарбир раҳбар, партия, совет, комсомол ходими ва ҳарбир коммунистнинг шарафли бурчидир. Партия ташкилотларининг раҳбарлари бу муҳим ишда шахсан ўзлари намуна кўрсатишлари, кенг меҳнаткашлар оммаси олдида системали равишда лекция ва докладлар қилиб туришлари лозим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партия XX с'ездининг қарорларини кенг пропаганда қилишда маҳаллий матбуотнинг ва радионинг, идеология ишлари билан бевосита шуғулланучи бошқа ташкилотларнинг роли бениҳоя каттадир. Улар с'езд материалларини пропаганда қилиш юзасидан олиб бораётган ишларининг савиясини янада яхшилашлари ва ҳажмини кенгайтиришлари керак.

КПСС XX с'ездининг материалларини кенг пропаганда қилайлик, омманинг ўсиб бораётган ижодий активлиги ва ташаббусини XX с'езд томонидан қўйилган тарихий вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этайлик!

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ К. Е. Ворошилов раислигида бўлган мажлисида Бўстондиқ районининг ва Мирзачўл ерларидан бир қисмининг Қозоғистон ССРдан Ўзбекистон ССР составига берилиши муносабати билан мазкур республикалар ўртасидаги чегарани қисман ўзгартириш тўғрисидаги Қозоғистон ССР Олий Советининг ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг тақдими кўриб чиқилди.

СССР Олий Совети Президиуми Бўстондиқ районини ва Мирзачўлдаги ерларнинг бир қисмини Жанубий Қозоғистон области составидан Ўзбекистон ССР составига топшириш тўғрисидаги таклифни яқдиллик билан қувватлади ва мазкур республикалар ўртасидаги чегарани қисман ўзгартириш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Н. А. Булганин Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансен жанобларини қабул қилди

1956 йил 2 мартда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансен жанобларини қабул қилди.

Суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов қатнашди.

Дания Маориф министри Ю. Бомхольт жаноблари, Данияниинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Мёрк жаноблари, Данияниинг Югославиядаги Фавқулодда вакили ва мухтор министри Р. Кьер жаноблари, Дания Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Н. Свеннингсен бош министр Х. К. Хансенга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Қабул вақтида СССРнинг Данияdаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. В. Славин ва СССРнинг Данияdаги Элчихонасининг маслаҳатчиси А. С. Каплин (ТАСС).

Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян ва В. М. Молотов Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансен блан суҳбат қилдилар

3 мартда Кремльда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов блан Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансен ўртасида суҳбат бўлди.

Суҳбат вақтида Дания томонидан — Маориф министри Ю. Бомхольт, Данияниинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Мёрк, Данияниинг ЮФХРдаги Элчиси Р. Кьер, Дания Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Н. Свеннингсен, Дания Ташқи ишлар министрлиги Матбуот бўлимининг мудири С. А. Кристенсен, Ташқи ишлар министрлигининг секретари Б. Ольсен, Дания Ташқи ишлар министрлиги экономика бўлимининг мас'ул ходими Х. Э. Тране ва Бош Министрнинг шахсий секретари Х. С. Меллер, совет томонидан — Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, Маданият министри Н. А. Михайлов, Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Данияdаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. В. Славин ва СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Скандинавия бўлимининг мудири М. Г. Грибанов ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

К. Е. Ворошилов Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансен Жанобларини қабул қилди

3 мартда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансенни қабул қилди.

Дания Маориф министри Ю. Бомхольт, Данияниинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Мёрк, Данияниинг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги Элчиси Р. Кьер, Дания Ташқи ишлар министрлигининг Бош секретари Н. Свеннингсен Бош Министр Х. К. Хансенга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Қабул вақтида СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семёнов, СССРнинг Данияdаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. В. Славин, СССРнинг Данияdаги Элчихонасининг маслаҳатчиси А. С. Каплин ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. ВОРОШИЛОВ Жаноб Олийларига

МОСКВА

Раис жаноблари, Финляндия Республикаси президенти вазифасини ўташга киришганлигим муносабати блан юборган самимий табрикларингиз ва истакларингиз учун менинг самимий ташаккуримни қабул қилишингизни сўрайман.

Раис жаноблари, ўзаро дўстлик, ишонч ва ҳамкорлик сиёсати туфайли Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасида ўрнатилган дўстона яхши қўшничилик муносабатлари халқларимизнинг бахти-саодати ва дун'ёнинг блан яшаб турган қисмида тинчликнинг мустаҳкамланиши манфаатларида келгусида ҳам сақланади, деб қаттиқ ишонч билдиришимга рухсат этгайсиз.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз Раис жанобларидан шахсан Сизга муваффақиятлар тилаб ва Совет Иттифоқи халқларининг гуллаб-яшнашини тилаб изҳор қилган энг яхши истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

Урхо КЕККОНЕН,

Финляндия Республикасининг Президенти.

1956 йил, 2 март.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. ВОРОШИЛОВ Жаноб Олийларига

МОСКВА

Финляндия Республикаси президенти вазифасидан кетганлигим муносабати блан менга самимият блан изҳор қилган Сизнинг дўстлик ҳисларингиз ва яхши тилакларингиздан ғоят мамнунман. Раис жаноблари, Сизнинг хайрихоҳлик блан айтган самимий сўзларингиз учун Сизга чин қалбимдан ташаккур изҳор қиламан. Мамлакатларимизни бир-бирига яқинлаштириш учун қилган фаолиятимга берган баҳонгиз мени қувонтирмоқда.

Сиз, Раис жаноблари каби, мен ҳам, Финляндия блан Совет Иттифоқи ўртасидаги ўзаро ишонч, яқин ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари бундан буён ҳам сақланади деб қаттиқ ишонаман.

Раис жаноблари, менинг чин қалбимдан Сизга бахт-саодат исташимга, шунингдек Сизнинг Совет Иттифоқи халқлари бахти-саодати учун қилаётган қимматбаҳо хизматингизда янада муваффақиятлар тилашимга ижозат бергайсиз.

Самимий ҳурмат блан

ПААССИКИВИ.

1956 йил, 2 март.

Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансен Москвага келди

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансен рафиқаси блан бирга 2 мартда Москвага келди. У блан бирга Маориф министри Ю. Бомхольт рафиқаси блан бирга, Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Н. Свеннингсен, Данияниинг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги вакили Р. Кьер, Ташқи Ишлар Министрлиги матбуот бўлимининг мудири С. А. Кристенсен, Ташқи ишлар министрлигининг секретари Б. Ольсен, Ташқи Ишлар Министрлиги иқтисодий бўлимининг мас'ул ходими Х. Э. Тране ва Дания журналистларининг бир группаси келди.

Айни бир вақтда СССРнинг Данияdаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Н. В. Славин Москвага келди.

Дания ва СССР давлат байроқлари блан безатилган Внуково аэродромида Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансенни СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов, СССР Министрлари С. Ф. Антонов, В. Г. Бакаев, И. А. Бенедиктов, И. Г. Кабанов, В. В. Мацкевич, Н. А. Михайлов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг ўринбосарлари А. А. Громико ва В. С. Семёнов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Граждан ҳаво флоти Бош бошқармасининг бошлиги С. Ф. Жаворонков, меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети Ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири М. Г. Грибанов, Ташқи савдо министрлигининг ғарб мамлакатлари блан савдосотиқ бошқармасининг бошлиги Н. И. Чеклин, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиги Е. А. Тарабрин, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлими мудирининг вазифасини ижро этучи Л. Ф. Теплов, совет ва четэл журналистлари кутиб олдилар.

Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министрини Данияниинг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Мёрк ва Элчихона ходимлари, шунингдек СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари кутиб олдилар.

...Н. А. Булганин ва В. М. Молотов самолёт ёнига келадилар. Х. К. Хансен ва унинг ҳамроҳлари Н. А. Булганин ва В. М. Молотов блан дўстона қўл қисиб кўришадилар. Шундан кейин Х. К. Хансен аэродромда учрашиш вақтида ҳозир бўлган совет давлат арбоблари блан, шунингдек дипломатия корпусининг а'золари блан таништирилади.

Дания Бош Министри ва Ташқи ишлар министри Х. К. Хансенни кутиб олиш вақтида фахрий қоровул қўйилди ва Дания ҳамда СССРнинг Давлат гимнлари ижро этилди.

Х. К. Хансен аэродромда микрофон олдида нутқ сўзлади:

Х. К. ХАНСЕН нутқи

— Министрлар Совети Раиси жанобларн!

Совет Иттифоқига келиш мен учун катта қувончдир ва мени илтифот блан таклиф қилганлиги учун совет ҳукуматига самимий ташаккур билдираман.

Биз шунга ҳурсандмизки, шу кунларда сизнинг бепоён мамлакатингизни ўз кўзимиз блан кўриб таассурот оламиз ва совет халқининг ҳаёти блан танишиб чиқамиз.

Мен Совет Иттифоқига биринчи марта келдим ва аввало совет халқининг нацизмга қарши уруш вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги учун Дания ҳукумати ва Дания халқининг совет халқига ташаккурини изҳор қилишни ҳоҳлайман. Дания халқи совет халқининг қаҳрамонона зафарларини, берган қурбонларини ва бошидан кечирган машаққатларини, совет халқининг урушни ғалаба блан тугаллаш ва шу блан Данияни озод қилиш ишига қўшган ҳиссасини эсдан чиқармайди.

Бизнинг иккала мамлакатимиз бевосита қўшни эмаслар. Аммо, Болтиқ денгизининг тўлқинлари Дания қирғоқларини ҳам, Совет Иттифоқи қирғоқларини ҳам ювиб ўтади. Биз яшаб турган техника асрида мамлакатлар ўртасидаги масофалар тобора қисқармоқда. Дания ўзининг бутун тарихи давомида бошқа давлатлар блан амалий ва тинч муносабатларда бўлиб келди. Бизнинг географик мавқи'миз, табиий шароитларимиз ва қарашларимизнинг умумийлиги — буларнинг ҳаммаси бизни бошқа халқлар блан яқинлаштирди. Бу табиийдир. Кемачилигимиз ҳам бу соҳада катта роль ўйнади.

Кейинги вақтларда Дания блан Совет Иттифоқи ўртасидаги шахсий муносабатлар ривожланди. Бу нарса ҳар иккала мамлакатга фойда келтиражагига, ўзаро очиқ гаплашиш эса кўпроқ ҳамжиҳатликни вужудга келтиражагига ишонаман. Мен Совет Иттифоқига бугун бошланган сафаримни ана шу ма'нода тасаввур этаман. Менинг фикримча, Совет Иттифоқига қилган сафаримиз ҳар иккала мамлакатимиз ўртасида тарихан мавжуд бўлган яхши муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет ва Дания ҳукуматлари бирқанча йирик жаҳон проблемалари ва халқаро проблемаларга турлича қараётганликлари ҳаммага ма'лум ва буни яширб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо, СССР ҳам, Дания ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг а'зосидир ва улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз олдига қўйган юксак мақсадларга, я'ни тинчлик, хавфсизлик ва озодликка эришиш учун курашмоқ деб ва'да бердилар. Совет ҳукумати ҳам, Дания ҳукумати ҳам мамлакатларимиз ўртасида энг яхши ва энг дўстона алоқалар бўлишини истайди.

Министрлар Советининг Раиси жанобларн, Совет ҳукуматининг Совет Иттифоқига келишга таклиф этганлиги учун Сизга яна бир марта ташаккур изҳор қиламан. Мен ҳар иккала халқимизга тинчлик ва тараққиётни астойдил истаётганлигимни билдираман. (ТАСС).

Янгийўл шаҳар корхоналарида



Суратда: Тикув-пойафзал комбинатининг участка мастери ўртоқ **С. Пак** мотористка ўртоқ **Ж. Аҳмедова** блан биргаликда костюм ёқасининг тикилишини кўздан кечирмоқдалар.

Янгийўл — областимизнинг енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари шаҳридир. Шаҳардаги пойафзал-тикув комбинати, ёг, консерва, пахта заводлари ва бошқа корхоналарнинг кўпсонли коллективи КПСС XX с'ези материалларини зўр қизиқиш блан ўрганмоқдалар. С'езд қарорлари ишчилар, хизматчилар ҳамда инженер-техник ходимларнинг ижодий активлиги ва меҳнат соҳасидаги ғайратини янада ошириб юборди. Корхоналарнинг коллективлари мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик планида партия томонидан қўйилган ғоят катта вазифаларни муваффақият блан амалга ошириш йўлида ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарф қилишга тайёр эканликларини яқдиллик блан билдирмоқдалар.

— Олтинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, — дейди ёг заводининг бригада бошлиғи ўртоқ Н. Мамедов, — бизда ҳамма имкониятлар бор. Биз бундан кейин ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни тинмай кўпайтирабормиз ва меҳнаткашларга пландан ташқари кўплаб юқори сифатли маҳсулот берамиз.

Коллективнинг сўзи блан иши бир. Ўртоқ Н. Мамедов бошлиқ бригада а'золари февраль ойининг икки ўнкунлик топшириғини муддатидан илгари бажарди ва қўшимча равишда 50 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарди. Корхона коллективи с'езд кунларида айниқса унумли ишлади. КПСС XX с'ездининг тарихий материалларидан ғоят руҳланган ишчилар ва инженер-техник ходимлар фидокорона меҳнат қилиб, февраль ойининг II декада планига қўшимча равишда 150 тоннадан ортиқ ёг ва 20 тоннага яқин совун ишлаб чиқарди.

Меҳнатсевар коллектив эришилган муваффақиятларни ишлабчиқаришда янги ютуқлар блан мустаҳкамлаш мақсадида корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларини янада яхшилашга имкон беручи бирқанча муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, ёг цехи реконструкция қилинмоқда, эски, иш унуми паст бўлган ускуналар янги, иш унуми анча юқори бўлган ускуналар блан алмоштирилмоқда.

Пахта тозалаш заводининг коллективи, шаҳар корхоналарининг коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа яхши натижалар бермоқда. Корхона ишчилари ишлабчиқариш процессларини такомиллаштириш, қўл кучи блан бажариладиган ва айниқса кўп меҳнат талаб этадиган иш процессларини механизациялаш, мавжуд ускуналарни модернизациялаш каби масалаларга алоҳида э'тибор бермоқда. Натижада тайёрланаётган маҳсулотнинг сифати тобора яхшиланиб, унинг таннархи камаймоқда, мавжуд асбоб-ускуналарнинг ҳарбир единицасидан ва ишлабчиқариш майдонларининг ҳарбир квадрат метридан маҳсулот олиш систематик суратда кўпаймоқда.

Корхонанинг цех ва участкаларида ишлабчиқаришнинг график асосида ташкил этилиши натижасида кунлик ва ҳафталик топшириқлар муттасил ортиғи блан бажарилиб, қўшимча равишда кўпгина пахта толаси ва пахта момиғи тайёрланмоқда. Ишлабчиқариш илғорларининг бой тажрибаларини коллектив ўртасида кенг оммалаштирилиши туфайли ҳарбир арра-соатда ишлаб чиқариладиган момиқ планда белгиланганига нисбатан 1,1 процент ортди. Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш натижасида завод коллективи февраль ойи 20 кунлик топшириғига қўшимча равишда 250 тоннага яқин пахта толаси ва 100 тоннага яқин пахта момиғи тайёрлади.

Коммунист Иван Корабельников раҳбарлик қилаётган 2-нчи бригада ишчилари завод коллективи ўртасидаги социалистик мусобақада айниқса яхши натижаларга эришмоқда.

— Жонажон партиямиз XX с'ездининг тарихий қарорлари, — дейди ўртоқ И. Корабельников, — коллективимизни янада унумли ишлашга руҳлантириб юборди. Биз мавжуд имкониятлар ва ички резервлардан имкони борича тўла фойдаланишга алоҳида э'тибор бермоқдамиз. Шу сабабли ҳар сменада планга қўшимча равишда 5-6



Суратда: Ер заводининг ишчиси ўртоқ **К. Жўрабоева** маҳсулот сифатини текшириб кўрмоқда.

тоннадан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз.

Шунингдек, шаҳардаги тикув-пойафзал комбинати, консерва заводи ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам КПСС XX с'ези қарорларини амалга ошириш учун курашиб, ишлабчиқаришда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Янгийўл корхоналарининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари шу кунларда қўлга киритилган дастлабки муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва шу асосда 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш мақсадида иш сур'атини янада оширмоқдалар.

Текст ва фотолар **В. Саловники.**

КПСС XX с'ездининг қарорлари халқимизни янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирмоқда

*

Партиямизнинг қарорларини шараф блан бажарамиз

Шонли Коммунистик партиямизнинг тарихий XX с'езди ишини барча совет кишилари қаторида Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигининг ходимлари, «Ўзгипрогорсельстрой» лойиҳалаш институти, «Ташгорстройтрест» «Ўзсельэлектрострой» ва «Ўзсантехмонтаж» трестлари ходимлари катта қизиқиш блан кузатиб бордилар. Яқинда бу ташкилотлар ходимларининг КПСС XX с'езди ишининг якунига бағишланган митинги бўлиб ўтди.

Митингни Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги партия ташкилотининг секретари ўртоқ Р. А. Саркисова очди. Митинг қатнашчилари КПСС XX с'ездининг делегати, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Абдураззоқовнинг с'езд ишлари якуни ҳақидаги сўзларини зўр э'тибор блан тингладилар.

Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигининг инженери ўртоқ Ш. У. Умурзоқов сўз олади:

— Партия XX с'езди, — дейди у, — халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада юксалтириш йўлларини белгилаб берди. Биз капитал қурилиши ишлари ва министрлик аппарати, қуйи звеноларни ишини янада яхшилаб, материал-техника ресурсларидан тула фойдаланган ҳолда, уларнинг тежаб сарфланишига э'тиборни янада кучайтирамиз. Бу блан қурилиш ишлари сифати ва сур'атини партиямиз томонидан кўрсатилганидек, юксак даражага кўтарамиз.

Митингда сўзга чиққан, «Ташгорстройтрест» инженери М. Манкина, «Ташгорстройтрест»га қарашли темирбетон заводининг директори Телешевский ўртоқлар ўз коллективлари номидан қурилиш ишларининг сифатини янада яхшилаш ва олтинчи бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олдилар.

Митинг қатнашчилари партиямиз XX с'езди қарорларини бир оғиздан ма'қуллаш блан бирга, с'езд қарорларига жавобан 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш ва Самарқанд, Нукус, Наманган шаҳарларида полигон типидаги темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқаруви заводларининг биринчи навбатини қуриш, «Пахтакор» стадиони, Чортоқ курорти ва бошқа об'ектлари қурилишларини 1956 йилда бажариш мажбуриятини олдилар.



Тошкент экскаватор заводининг коллективи яқинда чорак кубали экскаватор ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Суратда (чапдан ўнгга) слесарьлик участкасининг мастери П. Согришин, инструментальт цехининг бошлиғи М. Менькович, механика участкасининг мастери В. Азимов ва слесарь Н. Осипов ўртоқлар подшипник қопқоғининг янгидан тайёрланган моделини муҳокама қилмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Ҳаётимиз янада фаровон бўлади

КПСС XX с'ездининг қарорларида биз, совет кишилари, ўзимизнинг эртаги порлоқ кунимизни яққол кўриб турибмиз. Бу тарихий ҳужжатларда олдий совет кишиларининг орзу-умидлари, хоҳиши ва тилаклари бутун тўлалиги блан акс этдирилгандир. Олтинчи бешйиллик планининг бажарилиши мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши соҳасида қўйилган ғоят катта қадам бўлади: халқ хўжалигининг барча соҳалари кескин суратда ривожлантирилади, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий ҳаёти янада фаровон бўлади.

Мен 71 ёшга кирдим, ишлабчиқаришда 51 йилдан бери ишлаб келаман. Шу ўтган давр ичида жуда кўп воқиаларни кўрдим. Улуғ Октябрь революциясига қадар ишчилар кунига 12—14 соатлаб ишлар ва унинг эвазига арзимас ҳақ тўланарди. Фабрика ва завод эгалари ғоят оғир шароятда ишлаётган ишчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ҳақида ақалли ўйлаб ҳам кўрмас эдилар.

Ҳозир эса, аҳвол бутунлай бошқача. Социалистик тузум меҳнаткаш халқ аҳволини тубдан ўзгартириб юборди. Бизда меҳнат шон ва шараф ишига айланди. Корхоналардаги оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган ишларнинг ҳаммаси машина кучи блан бажарилмоқда. Ишчиларнинг меҳнат шароити ва турмуши тобора яхшиланмоқда. Жонажон партиямиз бизга яна янги енгилликлар бериш мақсадида иш соатларини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Мен 13 йилдан бери маошимга қўшимча равишда пенсия ҳам олиб келаман. Олдий кишилар ҳақида қилинаётган оталарча ғамхўрлик учун жонажон Коммунистик партиямизга чин қалбимдан раҳматлар айтаман.

Н. ШЕРЯГИН,

Тошкентдаги экскаватор заводининг кекса ишчиси, область Советининг депутати.

Қизил байроқли қурилиш бошқармасида

Тошкентдаги 2-нчи қурилиш бошқармасининг коллективи 1955 йил IV квартал топшириғини ортиғи блан бажарганлиги ва техника-иқтисодий кўрсаткичларни тубдан яхшилаганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи ҳамда биринчи даражали пул мукофотини олган эди.

КПСС XX с'ездининг тарихий қарорлари бинокорларнинг ғайратига яна ғайрат қўшиб юборди. Қурилиш бошқармасига қарашли барча участкаларда иш сур'ати кун сайин ошмоқда.

— Янги бешйилликда, — деди қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Давидов, — меҳнаткашлар учун уй-жой, болалар боқчаси ва яслиси, шунингдек маданий-маиший бинолар қурилиши кескин суратда кўпаяди. Бу вазифаларни бажариш учун иш процесслларини комплекс механизациялаш ва индустриал методларни кенг жорий қилиш керак. Коллективимиз партиямиз с'езди қарорларидан ғоят руҳланиб, ҳарқачонгидан ҳам унумли ишламоқда. Биз 2 ойлик топшириқни муддатидан анча илгари бажардик.

Бошқарма бинокорлари ўртасидаги социалистик мусобақада ўртоқ Султонов бошлиқ бетончилар бригадаси айниқса яхши натижаларга эришмоқда. Бу бригада а'золари кунлик топшириқни 150—180 процентгача етказиб бажармоқдалар. СССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги ишлабчиқаришни намунали ташкил этганлиги, иш сифатини тобора ошираётганлиги учун бригада бошлиқларидан Султонов ва Сергеев ўртоқларни пул блан мукофотлади.

И. ЗАБИРОВ.

Жонажон партиямизга минг раҳмат

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимизнинг турмушини доимо яхшилаш, маданий даражасини тўхтовсиз ошириш ва меҳнаткашларнинг моддий ҳамда ма'навий эҳтиёжларини тўла қондириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу улуғ ғамхўрлик Н. С. Хрушчев ҳамда Н. А. Булганин ўртоқларнинг докладларида ва КПСС XX с'езди қарорларида ёрқин ифода этилгандир.

Олтинчи бешйиллик планида халқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида белгиланган катта тадбирлар қаторида кишиларимизнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада оширишга ҳартомонлама а'тибор берилган. Жумладан хотин-қизларнинг меҳнат шароитини ва турмушини яхшилаш, ҳомиладорлик ва туғиш учун ҳақ тўлаб бериладиган отпускаларнинг муддатини кўпайтириш белгиланган. Бу тадбирлар биз, совет хотин-қизларининг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган меҳрибонликнинг янги далилидир.

Олтинчи бешйиллик план Директивларида болалар муассасаларини бешинчи бешйилликдагига нисбатан 2,4 марта кўпроқ қуриш, болалар яслилари ва боқчаларидаги ўринлар сонини таъминан 45 процент кўпайтириш белгиланди. Бу, мен сингари кўпгина оналарнинг коллективдан ажралмасдан янада яхшироқ ишлаши ва шу асосда халқ хўжалигини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшиш имкониятини кўпайтиради.

Мен ишлабчиқариш ва жамоат ишларида актив қатнашиш блан бирга 8 болани тарбия қилаётирман. Катта болаларим ўрта мактабда ўқиб, билим олмоқдалар, кичкинтойларим эса болалар боқчасида тарбияланмоқда. Соғин сигиримиз ҳам бор. Давлатдан 10 минг сўм ссуда олиб, ўтган йили янги участка қурдик ва унга кўчиб чиқдик.

Оддий совет кишилари ҳақида қилинаётган бенихоя катта ғамхўрлик учун жонажон партиямизга минг-минг раҳмат.

Х. УМАРОВА,

Тошкент лак-бўёқ заводининг аппаратчиси, шаҳар Советининг депутати.

Коммунистик партиядан миннатдормиз

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз клуби. Саҳна тўрида Владимир Ильич Ленининг катта портрети. Қизил алвонларда «Коммунизм учун!», «Бутун дунёда тинчлик учун!» деган шиорларни ўқиймиз. Саҳна устида қизил байроқ ҳилпираб турибди. Бу байроқ колхозга 1955 йилда ҳар гектар ердан 33 центнердан оширий пахта топширгани учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан берилган. Колхознинг азамат пахтакорлари, сабзавотчилари, чорвадорлари бугун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди якунларига бағишланган митингга тўпландилар.

Митингда район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ Алимова КПСС XX с'ездининг якунлари тўғрисида сўзлади.

Колхозчи деҳқонлар, қишлоқ интеллигенциясининг вакиллари бирин-кетин минбарга чиқиб, ўз ҳис ва туйғуларини ифода этдилар.

— Биз колхозчилар, — деди бригада бошлиғи Ҳакима Мирзаалиева, — партиямиз XX с'езди қарорларини чин кўнгилдан табриклаймиз. Чунки бу қарорларда ҳарбиримизнинг орзу ва умидларимиз ифода этилган. Колхозимиз а'золари, шу жумладан, биз хотин-қизлар XX с'езд қарорларига жавобан Ватанимиз бахт-саодати учун янада зўр бериб меҳнат қиламиз. Партия бизни пахта ва бошқа экинлар ҳосилини тўхтовсиз оширишга чақирди. Бунинг учун биз агротехниканинг янги, прогрессив усуллари — квадрат-уялаб чигит экишни, қатор ораларини икки томонлама машина блан ишлашни кенг қўлланишимиз зарур. Бизнинг бригадамиз бу йил ҳар гектар ердан камида 37 центнердан пахта, 20 центнердан сабзавот ва картошка етиштиришга ва'да беради. Бунинг учун с'ездан олди мусобақасида эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаб, чигит экишга намунали тайёргарлик кўрамиз ва уни уюшқоқлик блан ўтказамиз.

Колхоз а'зоси Фарогат Тулбошева минбарга чиқади.

— Барча совет кишилари каби бизнинг колхоз а'золари ҳам партиямиз XX с'езди ишини зўр э'тибор блан кузатиб бордилар. С'езд қарорлари ҳарбиримизнинг айни муддаомизни ифода этди.

Бизнинг бурчимиз янада фидокорона меҳнат қилиб қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини зўр бериб ривожлантиришдан иборат. Колхозимиз а'золари бу йил ҳар гектар ердан камида 36 центнердан пахта етиштирадилар. Бунинг учун ерларни экишга ўз вақтида тайёрлаб, чигит экишни 8—10 кунда тамомлаймиз. Экин майдонларимизнинг ҳаммасига торқаторлаб ва квадрат-уялаб чигит экамиз. Ҳакима Мирзаалиева, Тўхта Абдуллаева, Равза Раззоқова ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 37 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар. Мамлакатга қанчалик кўп пахта етказиб берсак, жонажон Ватанимиз шунчалик мустаҳкам ва қудратли бўлади.

Митингда сўзлаган ҳарбир колхозчи, бригада ва звено бошлиғи олтинчи бешйилликнинг биринчи йилидаёқ ҳосилни оширишда катта ютуқларни қўлга киритиш учун бутун кучларини сарф этажакларини изҳор қилдилар.

Хрушчев номли колхоз а'золари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг қарорларига жавобан бу йил ҳар гектар ердан камида 36 центнердан пахта ва картошка етиштириш, ҳарбир сигирдан камида 2 минг литрдан сут соғиб олиш, уйжой ва ишлабчиқариш бинолари қурилишини янада қизитиб юбориш мажбуриятини олдилар.

Х. ТУРАЕВ.

Меҳнат унумдорлиги ошмоқда

Чирчиқ шаҳридаги ойна заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар ва улардан унумли фойдаланмоқдалар. Корхона коллективининг бу соҳадаги ғайрати яхши натижалар бераётир. Заводда 2 ойлик план муддатидан илгари бажарилди ва қўшимча равишда 77 минг квадрат метр ойна ишлаб чиқарилди.

Ўртоқ Олейников раҳбарлик қилаётган смена коллективи ойна эритишда жадал сур'атларни ишчилик блан жорий қилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни тинмай кўпайтирмоқдалар. Смена ишчилари февраль ойида 1955 йилнинг октябрь ойидагига нисбатан 25 процент кўп маҳсулот тайёрладилар.

Москвалилар ташаббусига қўшилган завод коллективи олтинчи бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини муддатидан илгари бажариш мақсадида муҳим ташкилий-техник тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, янги асбоб-ускуналар монтаж қилинмоқда, кўпгина иш процесслари механизациялаштирилмоқда.

КПСС XX с'ездининг қарорларидан ғоятда руҳланган Чирчиқ ойначилари мамлакат халқ хўжалигига пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш учун кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаётирлар.

М. АБУТОЛИПОВ.

Халқ маорифи янада ривожланади

Жонажон партиямиз XX с'езди қарорларида коммунизм қураётган совет халқининг орзу-умидлари ва энг яхши тилаклари акс эттирилган. Олтинчи бешйиллик план Директивларида ғолиб ишчилар, меҳнатсевар колхозчилар ва ижодкор интеллигенция ўзларининг эртаги кунги порлоқ ва фаровон ҳаётларини кўрмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'езди резолюцияси ва с'езд тасдиқлаган бешйиллик план Директивларида халқ маорифини янада ривожлантириш соҳасида ҳам муҳим тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу бешйиллида шаҳар ва қишлоқ мактаблари қурилиши ҳажми бешинчи бешйилликдагига нисбатан таҳминан икки марта кенгайтирилади. Партиямиз халқ маорифи ходимлари олдига болаларни ва ёшларни умумий ма'лумот берадиган ўрта мактабларда ва махсус ўрта ўқув юртларида ўқитиш йўли блан **умумий ўрта та'лимни** асосан амалга ошириш, умумий ма'лумот берадиган мактабларда политехника та'лимини ривожлантириш, ўқувчиларни ҳозирги замон саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг энг муҳим тармоқлари блан таништириб чиқиш, та'лим ишларини фойдали ижтимоий меҳнат блан қўшиб олиб бориш ва ёш авлодни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш вазифаларини қўймоқда. С'езд материалларини зўр қизиқиш блан ўрганаётган мактабимиз педагоглар коллективи партия ва ҳукуматимизнинг халқ маорифи тўғрисида қилаётган катта ғамхўрликларига жавобан олтинчи бешйилликда халқ маорифи ходимлари олдига қўйилган вазифаларни садоқат блан бажаришга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Мен, 36 йилдан бери умумий та'лим мактабларининг 1-нчи синф ўқувчиларига дарс бериб келмоқдаман. Партия ва ҳукуматимиз ёш авлодни тарбиялашдаги самарали хизматларимни олий мукофотлар блан тақдирладилар. 1946 йилда «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрий унвон олишга сазавор бўлдим. Шундан сўнг Иттифоқ Ҳукумати томонидан «Меҳнат Қизил байроқ» ордени ва ўқитувчилик соҳасида ишлаганимга 30 йил тўлган 1950 йилда Ленин ордени блан мукофотландим.

Ёшим 60 га бориб кексайиб қолган бўлсам ҳам, ҳали ўзимни тетик ҳис қиламан. Коммунистик партия XX с'ездининг халқ маорифи ходимлари олдига қўйган катта вазифалари мени янада ғайрат блан ишлашга илҳомлантирмоқда. Мен бундан кейин ҳам ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшаман.

А. ИНОҒАМОВ,

Москва район 75-нчи мактаб, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ФЕЛЬЕТОН

Қор ёғди, излар босилди

Муборак хола квартирантлари Анастасия Афанасьевна Гараева ва унинг қизи Людмилага «уйни ремонт қилмоқчиман, иложи бўлса бошқа бирор ерга кўчсаларингиз» деди-ю, боши балога қолди. Шу-шу, она-бола Гараевалар Муборак холага кўлни бигиз қилиб дўк урадиган, кампирни дўппослайдиган бўлиб қолишди. Бу ҳол ўтган йилнинг июль ойида жуда ҳам авжига чиқди. Кампир ҳар галгидек бу сафар ҳам уйни ремонт қилиш ниятида эканлигини ётиғи блан тушунтирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганда, она-бола Муборак холани ерга ағанатиб, ҳамирдай ийлашди, ҳақорат қилишди, бу ҳам камлик қилгандай тогорадаги алланарсаларни унинг устига сепиб юборишди.

Муборак хола ҳақорат ва таҳқирлашларга чидайолмасдан Октябрь район 3-нчи халқ суди бўлимига она-бола устидан шикоят қилиб ариза берди. Ариза кўрилди, текширилди, бирнеча гувоҳлар чақирилди, ҳақ-ноҳақ аниқланиб, она-боланинг 300 сўмдан штраф тўлаши тўғрисида август ойида ҳукм чиқарилди.

Ҳукмни эшитгач, она-боланинг кўзи қинидан чиқди, пайтавасига қурт тушиб, ўтганни ҳам, кетганни ҳам тўхтатиб, шовқун кўтарди, ҳукмнинг «нотўғри»лиги ҳақида шикоят қилди, идорама-идора югурди. Ариза устига ариза ёзилди. Ана шундай аризалардан бири область суди қошига берилди. 13 сентябрьда область суди жиноят ишлар судлов коллегиясининг очиқ мажлиси бўлди, ариза кўрилди, кейин 1422 сонли ажрим чиқарилиб, район судининг ҳукми ўз кучида қолдирилди.

Ишнинг чаппасига кетганини кўрган Гараева, оёғи куйган товуқдай ўзини қўярга жой тополмай қолди. У, бирнеча варақ қоғозни тўлдириб, ўзининг «бечорачилиги»ни ёзди, кампирни орзига келган гаплар блан қоралаб, республика Олий суди эшигида пайдо бўлди. Бу ерда минг хил ёлғон-яшиқ гаплар блан ёзилган узундан-узоқ аризанинг ҳимоячилари топилди.

Республика Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг а'зоси Мустақимова ишни район судидан чақиртириб олди, ҳужжатлар блан танишиб чиқди. Танишиб чиқди-ю, тирноқ остидан кир излаб, коллегиянинг очиқ суд мажлисида доклад қилди.

Докладчининг да'воларига қаранг: Саидумарова Гараевалар томонидан калтакланган, 8 августда суд-медицина экспертизаси бош бюросидан справка олган эди. Гўё бу справкада кампирнинг фамилияси ва калтакланган муддати нотўғри ёзилган эмиш. Докладда келтирилган ана шу важ район судининг ҳукми, область судининг ажримини бекор қилиш, ишни тўхтатиш тўғрисида 1955 йил 31 октябрьда 1154 сонли ажримнинг чиқарилишига «асос» бўлди.

Хўш, фактлар нима дейди, ҳақиқий аҳвол Мустақимова «текшириб» доклад қилганидикми? Йўқ! Справкада Саидмуродова деб кўрсатилган. Адрес (Шахтинский проезд, уй 8) ҳам, кампирнинг номи ҳам тўғри. Бу хонадонда шу фамилияда ёки шунга яқинроқ фамилияли ҳечким яшамайди. Тўғри, справкада 15 июль деб кўрсатилган бўлса, аризада 19 июльда урган дейилган, лекин гап шундаки, кексайиб қолган, чиелонинг фарқига етаолмайдиган, хўрланган кампирдан аниқ муддатни айтиб беришни талаб қилишнинг ўзи мантиқдан узоқ. Аниқ факт шуки, кампирнинг калтакланганлиги справкада очиқ-ойдин қайд этилган. Гувоҳлар ҳам бор. Мустақимова ишни текширганда нега шу ишнинг устида бўлган гувоҳ Тўти Каримованинг айтган гапларини э'тиборга олмади-ю, бу ишга ҳечқандай алоқаси бўлмаган Абрамованинг гапини инобатга олди? Бу бизга нома'лум.

Гараева гувоҳ танлаганда чаккисини танламаган экан. У, қўшниси Тўти Каримованинг уйида квартирант бўлиб турган Абрамовани топибди-я. Ҳолбуки, Абрамова Саидумарованикида жанжал бўлмасдан анча олдин Каримованикидан кўчиб кетган бўлиб, Тахтапул кўчасидаги 113-нчи уйда турар эди. Гараева Абрамованинг гиргиттони бўлиб қолди. Абрамова эса жанжални суриштирмай, гувоҳликка ўтиб, «Гараева кампирни ургани йўқ», деди. Абрамова Саидумарованикида жанжал бўлган-бўлмаганини қайси қулоғи блан эшитиб, қайси кўзи блан кўрган экан? Гувоҳликка ҳам ҳечнарса деб бўлмас эканда.

Мустақимованинг докладига асос бўлган иккинчи сабаб Абрамованинг ана шу «гувоҳлиги»дир. Шунинг учун ҳам коллегиянинг «халқ суди ишни атрофли текшириб кўрмай ва гувоҳларнинг ҳархил кўргазмаларига тўғри аҳамият бермай, ишга бирёқлама қараб ҳукм чиқарган» деб чиқарган ажримига таажжубланмасдан бўлмайди. Шу ажрим чиқди-ю, қор ёғиб, излар босилди.

Саидумарова жисмоний заиф бўлгани сабабли ҳечқаерга шикоят қилиб бораолмади. Ётгиёт қариндоши ҳам бўлмаган Муборак холанинг кимсасизлигидан фойдаланган, 1154 сонли ажримдан илҳомланган Гараевалар кампирни беҳурмат қилиш, таҳқирлашдан ўзларини тиймаётирлар. Уларнинг мақсади кампир кўз юмса, унинг уй-жойига эга бўлиш, унинг граждалик ҳуқуқини таҳқирлашдир. Бунинг устига улар 1955 йилнинг июль ойидан бери ижара ҳақини ҳам тўлаганлари йўқ. Агар сиз нега ижара ҳақини тўламайсиз деб сўрасангиз, Гараева қўлини бигиз қилиб:

— 300 сўм штраф тўлагаиман. Шу пулни қайтариб беришса кейин тўлайман, — дейди. Ҳолбуки штраф ундириб олинмаган.

Ҳам хўрдани, ҳам бурдани уришга олатланган Анастасия Гараеванинг гапи ана шундай. Саидумарова квартирадан ҳам кўчираолмади, ижара ҳақини ҳам ундираолмади, уйини тузатиб ҳам ололмай, қолаверди.

Мустақимованинг гапига қараганда, бу иш жиноий иш эмиш, шунинг учун граждалик соҳаси кўрилмаган эмиш. Агар Саидумарова истаса, бошқатдан судга ариза бериб, иш қўзғаса, квартирадан кўчириш, ижара ҳақини ундириб олиши мумкин эмиш.

Майли, шундай ҳам бўлсин. Брок остона ҳатлашга қурби етмаган, икки оғиз гапнинг эплаб гапираолмайдиган кампир бунинг удасидан чиқаолармикин? Борди-ю, иш бошласа ҳам, Гараевалар аввалгидек кўз таништиришни гувоҳликка ўтказади, кетма-кет ариза ёзади, қўлида кампирни писта пўчоғидек ўйнатади.

Қисқа гап шуки, қор ёғса, ёғсин, аммо излар босилмасин, кампирнинг граждалик ҳуқуқи, бурни оёқ ости қилинмасин!

С. РАҲИМОВ.

Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш яхшиласин

Оққўрғон районида кўпгина маданий-оқартув муассасалари — район кутубхонаси, Маданият уйи, колхоз, совхоз клублари, қишлоқ кутубхоналари ва ўқишхоналари бор. Лекин бу муассасаларда район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган. Бунга бўй жиҳатдан район маданият бўлимининг қишлоқ маданий-оқартув муассасалари ишига қониқарли раҳбарлик қилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Алимкент қишлоқ кутубхонасини олиб қарайлик. Бу ерда ма'лум бир иш вақти белгиланмаган, шунинг учун ҳам кутубхона кўпинча берк бўлади. Бунинг устига кутубхонада ҳечқандай оммавий тадбирлар ўтказилмайди. Кутубхона мудири ўртоқ Қадимов бу ишда етарли тажрибага эга бўлмаганн учун ҳам ўз вазифасини бажаришда катта камчиликларга йўл қўймоқда. Кутубхонада этажерка ва полкалар йўқлигидан китоблар ерда тартибсиз ҳолда сочилиб ётибди. Кутубхона орқали меҳнаткашлар ўртасида китоб пропагандаси олиб борилмаётир. Шундай экан, кейинги вақтда бу кутубхонадан фойдаланаётган китобхонлар сонининг камайиб кетганига ажабланмаса ҳам бўлади. Қишлоқ Советининг раиси ўртоқ Раҳмонов эса кутубхона иши блан мутлақо шуғулланмаётир.

Маданий-оқартув муассасаларининг иши қишлоқ жойларида назар-а'тибордан четда қолдирилаётган экан, район марказида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Масалан, район Маданият уйи (директори ўртоқ Жуманов)да оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолича ташлаб қўйилган. Бу ерда ташкил этилган музика тўгараги мунтазам ишламаётир. Маданият уйи районда маданий-оқартув ишларининг ҳақиқий марказига айлантирилган бўлиши керак. Лекин Маданият уйида меҳнаткашларнинг кўнгилли дам олишларини уюштириш ва уларнинг маданий савияларини ошириш блан боғлиқ бўлган тадбирлар ишчилик блан амалга оширилмаётир. Маданият уйи ҳодимлари колхоз клублари, кутубхоналари ва ўқишхоналари ишига яқиндан ёрдам беришлари лозим эди. Афсуски, бундай қилинаётгани йўқ.

Район кутубхонасида ҳам китобхонларга маданий хизмат кўрсатиш ачинарли аҳволда. Кутубхона мудири ўртоқ Қурбонова ўз вазифасига ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қарамоқда. У кўп вақт ишга чиқмайди, шунинг учун ҳам кутубхона кўпинча кун бўйи ёпиқ туради. Китобхонлар эса кутубхона эшиги ёпиқ эканлигини узоқ вақт кутиб турадилар ва охири китоб ололмай, қайтиб кетишга мажбур бўладилар. Район кутубхонасида китобхонлар конференцияси, адабий кечалар ўтказилмайди ва китоб виставкалари ташкил этилмайди.

Районда аҳолига кино хизмати кўрсатиш ҳам қониқарли аҳволда эмас. Район марказида ва колхоз киноустановкаларида кинофильмлар кўпинча сифатсиз кўрсатилади. Узоқ қишлоқ жойларида эса меҳнаткашларга кинофильмлар тез-тез кўрсатиб турилмайди.

Район маданият бўлимининг фаолиятидаги яна бир катта камчилик шундан иборатки, меҳнаткашлар ўртасида лекция пропагандаси яхши йўлга қўйилмаган. Илмий-атеистик, қишлоқ хўжалигига доир темаларда лекциялар жуда кам ўқилмоқда. Чунончи, 1955 йил мобайнида район маданият бўлими ҳузуридаги лекторлар группаси томонидан ўтказилган 400 дан ортиқ лекциядан фақат 31 таси қишлоқ хўжалиги ва 62 таси илмий-атеистик темада ўқилган, холос.

Маданият бўлимининг ишидаги мавжуд камчиликлар кўп вақтдан буён район Совети сессияларида, ижроия комитет мажлисларида ёки райком бюросида муҳокама қилинмаётир.

Район партия комитети ва район ижроия комитетининг раҳбарлари маданий-оқартув муассасаларининг меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятларини яхшилашлари ва бу соҳада юз ғераётган камчиликларни узил-кесил бартараф қилишлари керак.

С. УСМОНХЎЖАЕВ.

„Танин башаралар“

Яқинда Ўзбекистон совет ёзувчиларининг «Таниш башаралар» деган сатира ва юмор тўпламн нашр этилди.

Тўпламда сатирик ва юмористик ҳикоялар, памфлетлар, пьеса, сатирик шеърлар, масаллар, аския бўлимлари бор.

Шоир Ғафур Ғуломнинг тўпламдаги «Мард майдонга чиқсин!» сарлавҳали танқидий мақоласи, «Тирилган мурда» ҳикояси, Абдулла Қаҳҳорнинг «Мирзо», «Майиз емаган хотин», «Сан'аткор», Асқад Мухторнинг «Лаббай, чойми?», Собир Абдулланинг «Ўртоқ Холназаров», Баҳром Раҳмоновнинг «Ўзи бошқа-ю, сўзи бошқа», Мумтоз Муҳамедовнинг «Ҳайбаракаллачилар» Аббос Муҳиддиннинг «Кечиримсиз», Сам'и Абдуқаҳҳорнинг «Нусхаой» ва бошқа ёш авторларнинг ҳажвий ҳикоялари, сатирик шеърлари бор.

Тўпламни «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти 45 минг нусхада нашр этган.

Тўпламдан ўрин олган ҳажвий ҳикоя ва шеърларнинг мазмунига мос карикатуралар ҳам ишланган.

Кўклам экиш кампаниясига ҳартараф-лама пухта тайёрланайлик!

* *

Илғор колхоз кўкламга пухта тайёрланмоқда

Шонли Коммунистик партиямизнинг XX с'езди Директиваларидан илҳомланган «XIX партс'езд» колхози а'золари пахтачиликни янада ривожлантириш учун, пахтадан муттасил мўл ҳосил етиштиришни та'минлаш учун прогрессив методни пахтачиликда кен жорий этиш тадбирларини кўриб, кўклам экин кампаниясига пухта тайёрланмоқдалар. Бу соҳадаги ишларни колхоз экономикасини мустаҳкамлаш, колхоз хўжалигини ҳартарафлама ривожлантириш тадбирлари билан боғлаб олиб бормоқдалар.

«XIX партс'езд» колхози ўтган йили 600 гектар пахта майдонига эга эди. XX с'езд шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган бу колхоз а'золари ва 1-нчи МТС механизаторлари 600 гектар пахта майдонини тўла шудгор қилиб олдилар. 300 гектар шўр ерларга яхоб берилди.

Бу йил 700 гектар ердаги ғўзадан 400 гектари трактор билан иккитомонлама культивация қилиниши керак. Ҳозир колхозда квадрат-уялаб чигит экиш учун тайёрлик ишлари олиб борилаётир. 1-нчи МТСнинг землемери ўртоқ Пак раҳбарлигида квадрат-уялаб чигит экиладиган майдонлар теодалит билан ўлчаниб, тўғри бурчаклар ҳосил қилиш тадбирлари кўрилмоқда. Землемернинг кўрсатиши билан колхозчилар белгиланган ерларга қозиқ қоқмоқдалар. Бунинг учун колхоз правлениеси керакли ёғоч билан та'минлади, бу ишларни бажариш учун 4 киши ва бир арава ажратди.

Чигит экиш даврида ҳал қилучи роль ўйнайдиган 5 та экипаж составига энг яхши, саводли колхозчилардан, уста трактор-чилардан 30 киши ажратилди. Бунга Иброҳимов, Норчибоев, Грачёв сингари моҳир тракторчилардан 5 киши экипаж бошлиги қилиб, Ризаев, Каттабеков сингари колхозчилар контролёр этиб тайинланди. Ҳозир булар МТСда ўтказилаётган амалий машғулотларга мунтазам равишда қатнашмоқдалар.

Шу вақттача бу колхозда олмошлаб экиш тўла жорий этилмай, колхозда муттасил мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин йўқ эди. Ўтган йили 40 гектар бедапоя бузилиб чигит экилган бўлса ҳам, ўрнига янгидан бедазор қилинмади. Колхоз правлениеси бу нарса мутлақо хато эканлигини ҳисобга олиб, бу йил олмошлаб экишни тўла жорий этиш тадбирларини белгилаб олди. Мавжуд 150 гектар бедапоядан ташқари яна 100 гектар ерга беда экиш, бедапоя майдонини 250 гектарга етказиш планлаштирилди. Бунинг учун зарур бўлган беда уруғи тайёрлаб қўйилди, беда экиш учун ер ажратилди.

Ўтган йили квадрат-уялаб чигит экишда, квадратлар ҳосил қилинган ерларни трактор билан икки томонга қараб культивация қилишда айрим бригадаларда иш агротехника қоидаларига мувофиқ олиб борилган бўлса ҳам, ба'зи бригадаларда бу иш тўла амалга оширилмаганидан пахта ҳосили бирмунча паст бўлган эди. Жумладан, ўтган йили 34 ишчи кучига, 94 гектар пахта майдонига эга бўлган Отақул Жайнаров бошлиқ бригада ерларидаги ғўзаларга 3 мартаба икки томонга қараб культивация қилинди. Кўпгина меҳнат тежаб қолинишига қарамай, ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олинди. Ҳарбир меҳнат кунига 16 сўмдан пул тўғри келди.

Лекин ўртоқ Ҳасан Умаров бошлиқ бригаданинг 85 гектар пахта майдонида ҳам 34 киши ишлагани ҳолда, 10 сўмдан пул тақсимланди. Чунки бу бригадада 64 гектар ердаги ғўзалар трактор билан кўндаланг-ига қирқилиб квадрат ҳосил этилган бўлса ҳам, кўндаланг-ига трактор билан культивация қилинмади. Меҳнат жуда кам иқтисод этилди. Кўндаланг-ига культивация қилинмагани учун ғўза парвариши сифатли бўлмади. Ҳар гектар ердан 23 центнердан ҳосил олинди, холос. Ўртоқ Ҳасан Умаров ўз бригадасида йўл қўйилган бу хатодан жуда пушаймон. Шунинг учун у, бу йил бултурги хатога йўл қўймаслик учун кўклам экин кампаниясига бошқа бригадаларга нисбатан яхши тайёрлик кўрмоқда. У бошлиқ бригада ҳозиргача ҳамма пахта майдонини тўла шудгор қилиб олди, ариқ-зовурлар тозаланди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш ҳам ёмон эмас. Ҳозир бу бригадада 2 та арава маҳаллий ўғит ташиш билан банд.

— Ўтган йили кўсак тўкилиб кетади, деб кўрқиб кўндаланг-ига культивация қилишдан чўчиган эдик. Лекин бошқа бригадаларнинг иш тажрибаси бизнинг бу ҳаракатимиз хато эканлигини кўрсатиб берди. Бу йил хатоларимизни албатта тузатамиз. 85 гектар пахта майдонимизга квадрат-уялаб чигит экиб, икки томонга қараб ишлашга қарор қилдик, — дейди бригада бошлиғи Ҳасан Умаров.

«XIX партс'езд» колхози а'золари ҳозиргача 400 тоннача минерал ўғитни ташиб олдилар, далага 3000 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди. қишлоқ хўжалик инвентарьларининг ремонти сифатли тамомланди.

Бу колхозда агротехника ўқуви ҳам яхши давом эттирилмоқда. Колхоз агрономи томонидан ўтказилаётган машғулотга 35 киши қатнашаётир. Навбатдаги машғулотлардан бирида колхоз раиси Жайнар Мавлонов суҳбат ўтказди. У колхоз экономикасини мустаҳкамлаш учун амалга оширилган ба'зи тадбирларни мисоллар билан сўзлаб берди. Жумладан, раисниng айтишича ўтган йили механизмлардан унумли фойдаланилгани, ма'мурий-хўжалик ходимларидан 10 киши қисқартирилгани сабабли колхозда 54 минг меҳнат куни иқтисод қилинган. 1954 йилга нисбатан 1955 йилда МТСга камроқ натура ҳақи тўланган. Полизчилик, сабзавотчилик маҳсулоти билан колхозчиларни та'минлаш билан бирга, колхозга анчагина даромад келтирган. Шунингдек, чўчқачилик колхоз хўжалигига кўп фойда берган. 1954 йилда гўшт учун 64 бош қорамол топширилган. 1955 йилда эса чўчқачилик фермаси ташкил этилгани учун 40 бош қорамол кам топширилган, уларнинг ўрнига чўчқа гўшти берилган. 1956 йилда гўшт учун битта ҳам қорамол топширмаслик мўлжалланмоқда. Бунинг учун колхозда катта имконият бор. Масалан, ҳозир 6 бош она чўчқадан 3 тасининг ўзи 27 та бола туққан. Шундай қилиб 19 та чўчқа ҳозирнинг ўзидаёқ 46 тага етган.

Раис колхоз экономикасини мустаҳкамлаш учун хўжаликнинг барча тармоқларини баравар кўтариш зарурлигини мисоллар билан кўрсатиб берди. Провардида у бундай деди:

—Шонли партиямизнинг XX с'езди Директиваларида республикамизда пахта ҳосилини 1,5 баравар кўпайтириш вазифаси қўйилган. Партиямизнинг бу Директиваларини амалга оширишда биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Бунинг учун биринчи навбатда кўклам экин кампаниясига ҳартарафлама пухта тайёрлик кўриш билан партиямизнинг чақиригига жавоб беришимиз лозим.

Сирдарё районидаги «XIX партс'езд» колхози а'золари шу кунларда кўклам экин кампаниясига мана шундай пухта тайёрлик кўрмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



Суратда: Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг уруғчилик лабораториясида (чапдан) **У. Кенжабсева, Г. Эреджепова** ва **С. Баҳромова** ўртоқлар пахта толасининг узунлигини ва пишиқлигини текшириб кўрмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.



Қорасув районидаги «Коминтерн» колхозининг парник хўжалигида кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. **Суратда:** тракторчи Тўхтамурод **Холимбетов**, колхозчилардан Рашид **Ғозиев**, Маҳбуба **Исмонлова** ва Маҳбуба **Рисқиева** ўртоқлар тувакча тайёрламоқдалар.

Ҳ. Хантмуҳамедов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Колхознинг катта даромади

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози областимиздагина эмас, балки республикамизда ҳам юқори ҳосилли ва йирик колхозлардан бири ҳисобланади. Колхоз а'золари ўтган қишлоқ хўжалик йилини 1170 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан она-Ватанимизга 36,7 центнердан ҳосил топшириб, юқори кўрсаткичлар билан якунладилар. Улар пахтачиликни ривожлантириш билан бир қаторда, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида ҳам жиддий муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Колхоз чорвадорлари ўтган йили 265 бош соғин сигирнинг ҳарбиридан ўртача 1640 литрдан сут соғиб олдилар. Шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давлат планини ҳам муддатидан илгари анча ошириб бажардилар.

Колхоз ўтган йили ҳаммаси бўлиб 22 миллион сўм даромад қилди. Колхоз а'золарининг ҳарбир меҳнат кунига 18 сўмдан пул, 2700 граммдан галла тақсимлаш мўлжалланмоқда.

Колхоз а'золари жонажон партиямизнинг XX с'езди материалларидан гоят руҳланиб, бу йил 1170 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан мамлакатга 38 центнердан ҳосил етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Улар олинган ана шу мажбуриятни шараф билан бажариш мақсадида барча пахта майдонининг ҳар гектарига 400—500 килограммдан фосфор, 4—5 тоннадан маҳаллий ўғит солиб, сифатли шудгор қилиб қўйганлар. Шунингдек, 2 минг тонна минерал ўғит ташиб олинди. 10 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит далага чиқариб қўйилди. Колхозда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик асбобларининг ремонти тугалланиб, ариқ-зовурлар тозаланди.

Колхоз а'золари бу йил ҳам ҳар йилдагидек кўклам экиш кампаниясини ҳартомонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

С. НУ'МОНОВ.

Комсомоллар мўл ҳосил учун курашмоқдалар

Оҳангарон районидаги Каганович номли колхозининг комсомол-ёшлари Пискент районининг комсомолларининг чақиригига қўшилиб, 1956 йилда ҳар гектар ердан 20 центнердан пахта ва 25 центнердан шоли ҳосилини олиш учун курашни қизитиб юбордилар.

1955 йилда ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил топширган ўртоқ А. Асқаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг а'золари бу йил ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Дала ишларини кучайтирилди бригаданинг М. Мерганов бошлиқ звено а'золари айниқса намуна бўлмоқдалар. Улар ҳозир ўз дадаларига 33 тонна маҳаллий ўғит чиқариб, топшириқни ошириб бажардилар.

3-нчи бригаданинг звено бошлиғи, комсомол а'зоси Тошбиби Ҳайтбоева 12 тонна, Қўчқор Тўрақулов 17 тонна маҳаллий ўғит чиқардилар. Умуман олганда колхознинг бошқа бригадаларидаги комсомол-ёшлар ҳам мўл ҳосил етиштиришга пухта замин яратиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг ташаббуси билан ҳозиргача колхоз далаларига 250 тонна маҳаллий ўғит чиқарилди.

Комсомоллардан бир группаси колхоз устахонасидаги ишларга ҳам ёрдам бераётирлар. Бу ёрдам туфайли ҳозиргача 30 жуфт борона, 20 та окучник ва 15 та сеялка ремонтдан чиқарилиб, дала ишларига тахт қилиб қўйилди.

Комсомоллар чигитни квадрат-уялаб экишга ҳозирлик кўришда ҳам ғайрат кўрсатмоқдалар. Ҳозир улар бригада бошлиқлари, ер тузувчилар билан биргаликда янги усулда чигит экиладиган участкаларни квадрат майдонларга бўлиб, режалаб қўймоқдалар, айрим ерларни эса текисламоқдалар.

Ишлар ариқ-зовурларни тозалаш, баҳори дон экиш ишларига ҳам актив қатнашмоқдалар. Комсомоллардан Телабоев, Холматова, Ҳайтбоева ва шулар каби кўпгина ғайратли ёшлар кунлик топшириқларини 1,5—2 баравар қилиб бажариб, айниқса намуна бўлмоқдалар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

Чўчқачилик — чорвачиликнинг тез етиладиган тормоғи

Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз правлениеси чўчқачиликнинг колхозга катта даромад келтиришини кўп вақт пайқамай келди. «Жой йўқ, боқиш қийин», деб чўчқа боласи сутдан ажраши билан сотиб юборилар эди. Колхозда барча имконият бўлишига қарамай, чўчқа болаларини ўстириш ва семиртириш йўлга қўйилмаган эди. Натижада колхоз чўчқачиликдан доим зарар кўриб келар эди.

Колхоз правлениеси кейинги йилларда бу хатони тузатди, чўчқачиликни ривожлантиришга э'тибор кучайтирилди. Чўчқа болаларини ёшлигида сотиб юборишга барҳам берилди. Колхоз чўчқачиликни ривожлантириб, гўшт етиштиришни кескин суратда кўпайтириш тадбирларини кўрди.

Колхозда 1954 йилда 9 та она чўчқа бор эди. Уша йили ҳарбир она чўчқадан 9 тадан бола олинди. 1955 йилда она чўчқаларининг сони 20 тага етказилди ва ҳарбир она чўчқадан 18—19 тадан бола олинди. Уша йили чўчқа болаларидан 45 таси биринчи марта боқиб семиртирилди, ҳарбирининг вазни тез орада 100—110 килограмма етказилди ва бундан давлат мажбуриятига 8 тонна гўшт топширилди. Ҳарбир килограмм чўчқа гўшти 1,3 килограмма ҳисобланди. Колхоз давлатга 10,4 гўшт мажбурияти учун 8 тонна гўшт топширди, холос. Бунинг устига колхоз бир килограмм чўчқа гўшти етиштириш учун 3 сўмдан сарфлаб, 10 сўмдан сотди. Агар колхоз давлатга чўчқа гўшти ўрнига қора мол гўшти топширганда эди, бунга 55 та мол кетар эди.

Колхоз а'золари закупкага кўпроқ чўчқа гўшти сотиш фойдали эканини энди яхши билиб олдилар. Агар давлатга закупка тартибида мажбурият планидан 30 процент ошиқ гўшт сотилса, колхоз закупка нархининг 20 процентини миқдорида устама мукофот олади. Семиз чўчқа гўштининг ҳарбир килограмми 1,5 килограмм бошқа гўштга қабул қилинади. Натижада колхоз юлаб қорамол, қўйни сақлаб қолади ҳамда катта даромад олади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш олтинчи бешйиллик план юзасидан қабул қилган Директиваларида аҳолининг гўштга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун гўшт етиштиришни икки баравар ошириш вазифаси қўйилган. Свердлов номли колхоз а'золари партиямизнинг бу чақиригига жавобан чўчқачиликни янада ривожлантириш, давлатга нуқул семиз гўшт топширишни планлаштирдилар.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорига мувофиқ, ҳар юз гектар ерга 36 центнердан гўшт етиштириш керак эди. Чўчқачиликни ривожлантиришга муносабатни тубдан ўзгартириш натижасида ўтган йил ҳар юз гектарга 50 центнердан гўшт тайёрланди. Колхозда мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирилди. 1955 йилда 55 гектар ерга маккажўхори экилиб, чўчқалар учун 200 тонна сўтали силос бостирилди. 150 тонна донем олинди. 200 та чўчқа учун чўчқахона қурилди. Суғориш ва бошқа оғир ишлар механизациялаштирилди.

Колхоз бу йил давлат мажбурияти ҳамда закупка учун 35 тонна гўшт топшириши керак. Бунинг ҳаммаси учун фақат чўчқа гўшти топширилади. Шунингдек, шаҳар бозорларида ҳам 15 тонна гўшт сотилади. Колхоз бу гўштнинг ўзидан қарийб, ярим миллион сўм даромад қилади.

Колхозда бу йил 55 та она чўчқадан 1 мингга яқин бола олинади. Булардан 350 таси 8 ойлик бўлгунча боқиб семиртирилади. Ҳозир ўтган йилги чўчқа болаларидан 140 таси боқилиб, бўрдоқи қилинаётир. Тирик вазни ўртача 115 килограммга етганида гўшт мажбурияти учун топширилади.

Ем-хашак, айниқса маккажўхори чорвачиликни тез юксалтиришда гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Колхоз бу йил 60 гектар ерга маккажўхори экиб, чўчқалар учун 500 тонна сўтали силос бостирилади. 20 гектар ерга хашаки лавлаги экади. Булардан ташқари, кепак, барда ҳам тайёрланади.

Ўтган йилги тажриба шуни кўрсатдики, 5 ойлик бўлган чўчқа болалари боқилганида, бир кеча-кундузда ўртача 600— 700 граммдан семирди, 8 ойга етганида уларнинг оғирлиги 110 килограмм бўлди. Колхоз зоотехниги ўртоқ З. Макарова чўчқаларни боқишда зоотехника қоидаларига тўла амал қилади, уларнинг зотини яхшилашга катта э'тибор беради. Чўчқа боқарлардан А. Вовеско, Н. Фомин ўртоқлар айниқса намунали ишлаб, топшириқни ошириб бажарганлари учун мукофотга чўчқа боласи олдилар.

Свердлов номли колхоз а'золари чўчқачиликни ривожлантириш соҳасида олтинчи бешйиллик планда қўйилган вазифаларни икки йил ичида бажариш учун барча тадбирларни амалга ошираётирлар.

* * *

Тошкент районидаги «Сталин номли 2-нчи колхозда чўчқачилик, Свердлов номли колхозга нисбатан анча илгари — 1941 йилда ташкил қилинган. Бу колхозда ҳам чўчқачиликни ривожлантириб юбориш учун барча имконият бор.

Афсуски, колхоз правлениеси (раиси ўртоқ М. Пўлатов) чорвачиликнинг энг мақсулдор тармоғи бўлган чўчқачиликка ҳамавақт етарли э'тибор бермай келган, «жой йўқ» деб чўчқа болаларини сотиб юборабергандар.

Колхозда 21 та она чўчқа бор. Ўтган йил 1 октябрьгача колхозда 140 та чўчқа боласи сотиб юборилган. Ўтган йил 1 февралида 72 та чўчқа қолган. Бу чўчқалар гўшт мажбурияти учун топширилдими? Йўқ, албатта. Колхозда чўчқанинг кўпи боқилмай, сотилиб юборилган.

Агар колхоз ўтган йил 21 она чўчқадан олинган 321 та чўчқа болаларини сотиб юбормасдан боқиб семиртирганида эди, бундан 32 тоннадан кўпроқ гўшт олинарди, колхоз учун ярим миллион сўм даромад қилинган бўлур эди. Бунинг устига 200 қорамол ёки 1 минг 20 та қўй сақлаб қолинган бўлур эди.

— Чўчқачилик колхоз экономикасини мустаҳкамлашда, — дейди ферма ходими ўртоқ Яҳ'ё Саидов, — катта манба. Қорамолни семиртириш учун узоқ вақт керак бўлади, аммо чўчқани яхшилаб боқсангиз, 8 — 9 ойда тирсиллаб кетади. Бизнинг колхозимизда чўчқа кўп-у, унга аҳамият берилмайди.

Сталин номли колхозда ҳақиқатан ҳам чўчқалар учун махсус жой йўқ. Чўчқалар фақат кепак, хашаки лавлаги билан боқилади, яхши парвариш қилинмайди. Шунинг учун ҳам колхоз ўтган йили чўчқачиликка 30 538 сўм сарф қилиб, бор-йўғи 50 840 сўмгина даромад қилган. Свердлов номли колхоз эса озгина ҳаракат қилиб, 450 минг сўм даромад олган ва кўплаб чўчқани сақлаб қолган.

Сталин номли колхозда ҳам шундай қилса бўладими? Албатта бўлади. Бунинг учун колхоз правлениеси ташаббус кўрсатиши лозим, лекин ташаббус кўрсатилмаётир. Колхоз ўтган йили давлат мажбурияти учун 351 килограмм, закупка учун 1261 килограмм чўчқа гўшти топширган, холос. Колхозда шунча чўчқа бўлатуриб, гўшт мажбуриятига 93 та қорамол сарфланган.

Колхоз 1956 йилда давлатга закупка учун 41 тонна гўшт топшириши керак. Бунинг учун 200 та қорамол кетарли. Буларни биринчидан, семиртириш қийин, иккинчидан, колхознинг моли жуда камайиб кетади. Агар шу кунда бекорга овқат берилаётган 43 та эркак чўчқа боқиб, бўрдоқи қилинса, тез кунда уларнинг ҳарбири 100 килограммдан ортади. Бу, колхознинг давлатга топширадиган гўшт мажбуриятининг анча қисмини қоплайди. Колхоз раҳбарлари чўчқачиликнинг фойдали, катта даромад олишда муҳим омил эканининг фаҳмига етмаётирлар. Шунинг учун ҳам Сталин номли 2-нчи колхозда чўчқачилик ҳамон хўжаликнинг қолоқ тармоғи бўлиб қолмоқда.

Ҳарбир колхозда чўчқачиликни кескин суратда ривожлантириб, хўжаликнинг сердаромад манба'ига айлантириш учун бу соҳага жиддий э'тибор бериш зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

У НУ.

Ян Синнинг сўнгги кунлари*)

Нонушта танаффусигача шу аҳвол давом этди. Ян Син олдида овқат солинган тоғарача турар, лекин у қўл урмасди. У бошини қуйи солганча чуқур ҳаёлга ғарқ бўлган. Ян Син белининг оғриғини бироз енгиллатиш учун ба'зи-ба'зида қаддини ростлаб қўяр эди.

Кейин ҳудди бирор қарорга келгандек, тишини тишига босиб, ўрнидан турди-да, юришга ҳозирланди. Тоғарача эсига тушдию, уни олиб ташқарига чиқди-да, ичидаги овқатни аҳлат яшигига ағдарди. У хаёлга ботганча бир жойда яна бир минутга қотиб қолди. Кейин ёлғиз ўзи пухта ўйлаб кўриш учун хилват бурчакка судралиб кетди.

Тез орада танаффус тамом бўлди, ишга тушиш керак эди. Ян Син қудуқ томон юрди. У ўз қароридан қаттиқ ҳаяжонланганидан, қадамларини дадил-дадил қўяр эди. «Жанг-иг», «жанг-иг», «жанг-иг» — сув тўлдирилган бак кўтарилар, пастга тушар эди. Бир, икки, тўрт марта. Бешинчи мартасида Ян Син учун қўйилган золим назоратчи унинг биқинига ёғочни хала қилди. Ян Син шуни кутиб турган эди. Ит қайта бошланиши биланоқ, у, арқонининг ёғочни тутиб турган тўқимасини бўшатди. Мана ёғочни суғуриб олди-да, тезлик билан ўгирилиб, назоратчининг бошига солди. Назоратчи йиқилди. Маҳбуслар шовқун-сурон кўтариб ҳар тарафга югириб қочишди. Лекин Ян Син уларнинг борлигини унутгандек эди. У худди ақлдан озган кишидек ерда ётган назоратчини калтакланда давом этар эди. Яна уч, тўрт зарба туширди — сўнг Ян Синнинг қулоғи жаранглаб кетди, у бошн тубан бўлиб йиқилди.

У хушига келганда ўзини яна тюрьма камерасида кўрди, унинг а'зоий-бадани калтак зарбидан яра ва қон эди: ўша куни югуриб келишган жаллодлар уни ўлардек урган эдилар.

* * *

Оғир вақтийликларда айбланган Ян Синнинг тюрьма бошлиги олдига учинчи марта келиши эди. Бошлиқ қавоғини уйганча, қошини чимириб Ян Синга ўқрайиб турарди. Энди бош назоратчининг «Ян Син тузалмайдиган даражада бузилган одам» деб тюрьма бошлигини ишонтиришининг хожати йўқ эди. Бошлиқ Ян Синни энг оғир жазога тортишга қарор берди.

Уч кун ўтди. Ян Син аввалгисидек ўз камерасида ёлғиз ўтирарди. У назоратчини калтаклаганида ўладиган қилиб урмаганлигини билди. У эса назоратчининг калтакдан ўлишини истар эди. Қасос олиш ҳиссиёти қолиб келганидан эмас, йўқ! Ян Син «Назоратчини ўлдиргинимда, мени осишарди — ўланда бу азоблардан абадий қутилган бўлардим», — деб мулоҳаза қиларди. У ўзи тушиб қолган аҳволдан қутилишнинг бундан бошқа иложини кўрмас эди. Ян Синнинг фикрлари бош назоратчи жўнатган югурдакнинг келиши билан узилди. Ян Синни тюрьма идорасига олиб кетишди. У идорага кириши билан унинг қўлига кишан, оёғига кишан солишди. Бу вақтда бош назоратчи конвойлар офицерига, Ян Синнинг характери жуда ашаддий, деди. Кейин Ян Синни пристанъга олиб боришди-да, Рангунга жўнаётган кемага солишди.

Ян Син, Моулмейн тюрьмасига олиб кетишаётган бўлсалар керак, деб ўйлади. Кечаси у кам ухлади. Денгиз туман бўлгани учун кема йўлда ушланиб қолди, у эртасига кундуз соат иккида Рангунга келди. Ян Синни ўша куни кечқурун Рангундан чиққан поездга ўтқаздилар. Поезд эрталаб соат бешга яқин машҳур Зингюейк тогини айланиб ўтди. Пассажирлар ўринларидан туриб тоғнинг тепасида кўтарилиб турган пагодага[1] та'зим этиб, ҳурматларини изҳор қилдилар. Ян Син ҳам ибодатхона томонга кишанланган қўлларини узатиб, мулойим, узуқ-юлуқ товуш билан: «Бу азоблардан тезроқ қутиларманканман?» деб дуо қилди.

Поезд Моулмейнга кечикмай етиб келди. Соат тўққизда Ян Син янги тюрьманинг қабул хонасида эди. Одатда қабулхонада маҳбусларнинг қўлларидаги кишанларни ечиб олишар ва полициячилар уларни икки дарвоза ўртасидаги йўлакда қолдирардилар. Лекин тюрмага «каллакесарлар» келганда, то уларни соқчилар махсус камерага олиб кирмагунларича қўлларидаги кишанларни ечиб олмасдилар. Ян Синни ўша ерга навбатчи тюрьмачи билан қоровуллар олиб киришди .Фақат «каллакесарлар камераси» эшигига боргандагина Ян Синнинг қўл ва оёқларидаги кишанларни ечиб олишди. Лекин уни кишандан бутунлай халос қилишмади, балки қўлларини орқасига қайириб яна кишанладилар. Энди у камера бошлиғининг келишини кутиши керак эди.

«Каллакесарлар камераси» деб аталган жой умумий тюрьмадаги «тузалмас» жиноятчилар учун махсус қурилган кичикроқ уйдан иборат эди. Моулмейн тюрьмасига бошқа тюрьмаларда тузалмайди деб ҳисобланган маҳбуслар келтирилар эди. Келинг, «каллакесарлар»га бир назар ташлайлик. Гапни қафасга солиниб, оиласидан ва дўстларидан ажратилган кишининг кўнгли нотинч бўлишдан бошлайлик. Тюрьма ҳукмдорлари ва уларнинг малайларининг қўпол муомилалари, ўчакишишлари ва азоб-уқубатлар ҳатто юмшоқ характерли кишини ҳам газабга тўлдириб, золимни уришга мажбур этиши мумкин.

Ян Син «каллакесар» эмасди. Уни тюрьма ҳукмдорлари шу даражага олиб келишганди. Бошқа ҳисобсиз маҳбуслар худди ана шу йўл билан ҳалок қилинган эди. Ахир, бурнига пошна билан тепилган киши, бу азобга қандай чидайолади? Ахир маҳбус: «Сен қочқин маҳбусдан ҳужатхонада ҳомиладор бўлган манжалақининг боласисан» деган ҳақоратни кўтараолардими? Агар тюрьма чиновниклари ва держиморда-лари томонидан таҳқирланиб, газаб қосаси тўлган маҳбус калтакка калтак, ҳақоратга ҳақорат билан жавоб берса, «каллакесарлар» рўйхатига тушарди. Тюрьма жаллодлари унинг газабини обзон қайнатиб, кейин Моулмейн тюрьмасига «тузалмас» жиноятчи сифатида жўнатардилар.

Рангун тюрьмасида 1930 йилда ва Инсейн тюрьмасида 1934 йилда бўлиб ўтган маҳбуслар ис'ёнлари ҳақидаги тергов материалларида, биринчи тюрьмада ис'ёнга тюрьма бошлиғининг, иккинчисида эса бошлиқ ўринбосарининг золимлиги сабаб бўлган деб кўрсатилган. Рангун тюрьмасининг бошлиғини четэлга жўнатга мажбур қилишган. У ўша ерда пенсия олади ва ҳеч қандай муҳтожлик кўрмайди. Фақат маҳбусларга қийин бўлди, уларнинг кўпи ўлдирилди. Наҳотки улар ўлдиришга лойиқ даражада ёмон бўлсалар?

Маҳбуслар учун ёмонликнинг яна бир манбаи ёлланган тюрьмачи — муҳожирлар эди. Улар тюрьмага қорадори, кокаин, спиртли ичимликлар, сигара ва бошқа тақиқланган моллар олиб келиш билан шуғулланишарди. Улар яхшигина пора эвазига ўрин тагига яшириш мумкин бўлган ҳарқандай нарсани тюрьмага олиб киролардилар. Уларни маҳбусларнинг таҳқирда яшайдиган қариндошларига пул олиб келиш учун юбориш мумкин эди, бунда улар хизматлари учун пулнинг ярмини ўзларига «мукофот» тариқасида олиб қолардилар, албатта. «Инсофли ўғри» деган нақл бу-дарга келишмас эди. Бир ёлланган тюрьмачи ўз ўртоғининг оёғига болта уришдан тоймас эди.

Масалан, Маунг Пью деган маҳбус ёлланган тюрьмачининг бири келтирган тақиқланган буюмларни олди, шунда бошқа ёлланган тюрьмачи ўша Маунг Пьюни буюмлари билан ушлаб олишга мумкин эди. Ҳеч қандай қатимос, кушмадғўйлик ва тиз чўкиш жаллоднинг кўнглини юмшатаолмас эди. Лекин бирнеча танга масалани ҳал қилаолади. Акс ҳолда рапорт ёзиларди. Бордию, Маунг Пью иккала тюрьмачининг тил бириктирганликларини билиб қолиб, уларнинг беҳаёларча муттаҳамликларидан газабланганини изҳор қилса, у «каллакесар»га айланар эди.

Маҳбуслар орасидан чиққан, оқ қалпоқ кийиб юралиган тюрьмачилар ҳам оддий маҳбусларнинг «каллакесарлар»га айланишига талай ҳисса қўшардилар. Булар тюрьма держиморда-лари эди. Агар қалтаклананаверадиган ёш маҳбус зарбани даф'қилишга уринса «каллакесар»га айланарди.

Тюрьма қоидалари маҳбусларда пул бўлишини ман' қилар ва маҳбуслар ўз пулларини сақлаш учун «оқбошли» тюрьмачиларга бериб қўярдилар. Ба'зи «оқбошлар» қонунсиз равишда бу пулларни ўзларининки қилиб олишар ва маҳбус пул ўрнига таёқ оларди. Агар жабрланувчи бунга яраша «оқбошли»ни урса, «каллакесарлар» орасига тушарди.

Моулмейн тюрьмасига ўтказилган маҳбусларнинг роса ярмиси юқорида баён қилинган йўллар билан «каллакесар»га айланган эди. Тюрьмада «каллакесарлар» ва оддий маҳбуслар деган бўлинишнинг мавжудлигига ҳайрон қоласан киши: ҳақиқатда улар ҳам, булар ҳам оддий одамлар эди.

Ян Син тюрьма одоби қоидаларига амал қилиб, тюрьма бошлигини кутиб бирнеча муддат ҳурмат юзасидан чўққайиб ўтирди.

Ян Синнинг орқасида турган тюрьмачи ва унинг ёрдамчиси гўшт ташлаш олдидан оғзига тўшов солиб қўйилган бир жуфт итни эслатар эди. Бошлиқ келди-да, Ян Синга диққат билан тикилди. Кейин у заҳарханда билан: «Ҳали сен бузилган оламмисан, а!» — деди.

Ян Син: «Мен бузулган эмасман, хўжайин», — деди секингина. Бошлиқ унга диққат билан тикилди. Бу йигит Моулмейнга давлат ҳисобидан конвой билан юборилган. Бу оворагарчиликларнинг ҳаммаси унинг «каллакесар»лигидан бўлган. Бу ерга, унинг олитта «каллакесарлар»ни юбормай кимни юбориштарди? Бу анойи эмас, у «каллакесар»ни бир кўришдаёқ билиб олади! Бу йигит бўлса кўзингга бақрайиб туриб, ёлғон гапиради-я! Шунақа ҳам безбетлик бўладими! «Бу ўйнашдан бўлган ҳатто мени алдамоқчи. Агар у каллакесар бўлмаса, уни буерга нима учун юборадилар?» У икки тюрьмачига ўгирилди-да «Қани, болаларим, бунга бизнинг тюрьмада интизом қанақалигини яхшилаб, бир кўрсатиб қўйинглар-чи». У шундай дедию, ўгирилиб, чиқиб кетди.

Ўрта-мнёна пьесаларда тасвирланадиган саҳна жаллодларга тамоман ўхшаб кетадиган тюрьмачи Ян Синга: «Тур ўрнингдан!» деб команда берди. Ян Син турди. Унинг қўли авзалгидек орқасига қайрилиб кишанланган эди. Жаллоднинг ёрдамчиси Ян Синнинг кийимини тортиб ечди-да, унинг баланини қаради. Кейин у Ян Синга қўли билан кўкрак қафасининг ўнг томонидаги қабиғасини кўрсатишни буюрди. Ян Син ўнг қўлини кўтараолмади, у тирсагини бироз кўтаришга ва чапга сал ўгрилишга мажбур бўлди. Шу онда ёрдамчи кучининг борича кўкракнинг юқори кўтарилган қисмига мушти билан урди. Ян Синнинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. «Энди чап томонга яна шундай қил!»—буюрди жаллод. Ян Син бўйсунди. У иккинчи зарбадан бирнеча қадам нарига учиб тушди. У кўзини юмиб, зўрба-зўр нафас олди. «Ўтир!» — буюрди яна жаллод. Ян Син ўтирди. «Бошингни чап томонга бур!» Жаллоднинг ёрдамчиси ўнг қулоқ билан бўйин ўртасига бирнеча даҳшатли зарба туширди. Ян Син бошқа томонга қараганда яна шу ҳол такрорланди.

Ян Син Моулмейн тюрьмасидан ҳавзага ўтказилган маҳбуслардан у ерлаги даҳшатли таёқ интизоми ҳақида эшитганди. Калтаклаш Ян Синни заррача ҳам ажаблантирмади, лекин оғриқ азоби жуда кучли эди. Золим шу қадар шафқатсиз эдики, Ян Синнинг а'зойи-бадани қора терга ботди, ҳамма ёғи зирқираб кетди. Лекин азоблаш шу билан тугамади. Жаллоднинг ёрдамчиси унинг елкасидан тутди-да, тизаси билан тўппа-тўғри қорин бўшлиғининг нерв тўқимасига тепди. Ян Син ағдарилиб, чалқамчасига тушди-да, шундай ётаверди. Ёрдамчи унга қараб тиржайди-да: «Айт, «каллакесарман», десанг уришни бас қиламан! Ё хотинимисан? Тур!»

(ДАВОМИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

* Давоми. Боши газетамизнинг 1956 йилги 16- ва 23-нчи сонларида босилган.

[1] Пагода — будда ибодатхонаси

КАПРОН ПАЙПОҚ



Юлия Залевская Москва тўқимачилик институтини тамомлаб, Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасига йўлланма олди. Ўшандан бери орадан беш йил ўтди. У, цех технологи вазифасида ишлар экан, ана шу йиллар мобайнида ишлаб чиқаришни яхши ўрганди ва эндиликда Юлия капрон ишлаб чиқариш технологияси ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади, энг яхши пайпоқ тўқучиларни тилга олади.

Биз технолог билан биргаликда қатор ўрнатилган каттон машиналари бўйлаб илгарилаб борамиз. Цех биноси кенг ва баҳаво, баланд ва ёп-ёруғ. Машиналарнинг тепасида кундузги ёруғ берадиган лампочкалар порлаб турипти. Биз машиналар орқасида туриб пайпоқ тўқиётган Екатерина Кононова, Раиса Багриева, Тамара Зайцева, Татьяна Пашковская ва бошқа кўпгина хотин-қизлар билан таништамиз. Бизни, капрон иплар гўзал, юпқа ва майин пайпоқ формасини олгунча қандай йўлни босиб ўтар экан? пайпоқ капрондан қандай қилиб тўқилар экан? деган савол қизиқтиради.

Капрон ипи Тошкентга тайёр ҳолда келтирилади. У тўқимачилик корхоналарида эмас, балки химия саноатида тайёрланади. Тошкўмир смоласи капрон ишлаб чиқариш учун дастлабки хомаш'ё ҳисобланади. Бу смола химиявий йўл билан ишланиб, эритилган массага айлантирилади. Ана шу эритилган масса босим остида кичик тешикчалар орқали ўтиб, тезда қотади ва капрон толасини ҳосил қилади. Мазкур тола чўзилади, ип қилиб эшилади. Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси бундай ипларни мамлакатимизнинг турли заводларидан олади.

Тўқучи смена давомида ҳарбир машинада 60 дан 80 жуфтгача пайпоқ тайёрлайди. Бу пайпоқлар кеттально-стачечний участка деб аталучи участкага келиб тушади. Бу ерда махсус машиналарда пайпоқларнинг осонлик билан титилиб кетиши мумкин бўлган тешик жойлари яна биркарра мустаҳкамланади.

Пайпоқ бракни ажратиш процессидан ўтади. Агар контролёр пайпоқда бирорта кичкина нуқсон топса, я'ни унда чўзиқлик, тешик ёки қалинлик борлигини аниқласа, буюмни қайта ишлаш учун қайтаради.

Каттон машинада ҳам, кетлевка процессида ҳам, станкада ҳам, буглашда ҳам — ҳамма ерда биз оппоқ капрон пайпоқни кўрдик. Броқ, оқ рангдаги пайпоқларни ҳозир ҳечким оёққа киймайди, уларни бўяйдилар.

...Мана, фабриканинг бўяш цехи. Бу ерда барабанлар ўрнатилган. Пайпоқларни барабанларнинг секцияларидаги қопларга жойлайдилар, сўнгра уларга бўёқ соладилар. Барабан тўхтовсиз айланаберади, пайпоқлар бўялаберади. Зарур рангдаги пайпоқни олиш учун турли пропорциядаги бирнеча хил бўёқ қўлланилади. Капрон учун целитон бўёқлар энг мустаҳкам, чидамли бўёқ ҳисобланади. Бундай бўёқ пайпоқнинг бир ме'ёрда бўялишини та'минлайди, пайпоқ ювилганда ранги ўчмайди.

Пайпоқ бўялгач, ювилади, центрофугаларда сиқилади ва қуритиш учун иссиқ пароформага узатилади. Капрон пайпоқ худди ана шу ерда узил-кесил тайёр бўлади ва кейин сортировкага бориб тушади. Сортировкада уларнинг сорти, размери аниқланади, жуфтларга ажратилиб, тахланади. Упаковшчицалар тайёр буюмларни целофон конвертларга жойлайдилар. Биз капрон пайпоқларни магазинларнинг прилавкаларида Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг маркаси қайд этилган шу хилдаги конвертларда кўрамиз.

Пайпоқ цехининг бошлиғи Е. К. Рибакова бундай дейди:

— Харидорларда фабрикамиз ишлаб чиқараётган буюмларга талаб ва эҳтиёж катта. Капрон пайпоқлар жуда пишиқ, контури чиройли, ранги яхши бўлади. Биз махсулотнинг катта қисмини республикамизнинг шаҳар ва районларига, Ўрта Осиё республикаларига, Сибирьга, Узоқ Шарққа ва бошқа жойларга юборамиз.

С. БЕРЖАНЕР.

Суратда: каттоншчица **Е. Кононова** пайпоқ тўқимоқда.

А. АВЕРЬЯНОВ фотоси.

Ҳинд болалари расмлари виставкаси

Яқинда Ўзбекистон ССР сан'ат музейида СССР Маданият министрлигининг четэллар билан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти томонидан ташкил этилган ҳинд болалари ишлаган расмлар виставкаси очилди. Виставкадаги расмлар ҳинд халқи турмушининг турли томонларини акс эттирган. Тасвирий сан'ат виставкасида асосий ўринни турмуш темаларида ишланган ҳамда пейзаж расмлари эгаллайди.

Ўнбеш яшар қиз Яшода Садҳ (Бомбей шаҳри) томонидан ишланган «Сут фермасида» расми ўзининг мазмундорлиги билан киши диққатини жалб этади. Пепсули Харприт Сингҳ Гиллнинг «Эрталаб» расмида ер ҳайдаётган деҳқон тасвирланган бўлса, ражастонли Виджаясингҳ Сақхават томонидан ишланган «Ҳузур» портретида чилим чекаётган чол нозик бўёқларда жозибали акс эттирилган.

Пойтахт меҳнаткашлари Ҳиндистон болалари ишлаган расмлар виставкасини зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар. Виставканинг намойиш қилиниши Ҳиндистон Республикаси билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланиб боришидаги ёрқин далилдир. Тошкентдаги рассомлар тайёрлаш билим юрти студентлари ва бошқа тамошабинлар музей хотира дафтарига Ганги Сеннинг «Портрет», Динти Тиварининг «Автопортрет», Салил Даснинг «Рассом қиз», Ранджан Сеннинг «Опа-сингиллар» расмларидан катта таассурот олганликларини алоҳида қайд этганлар.

Эстрада артистларининг гастрольлари

Яқинда эстрада артистларидан бир группаси областнинг Чиноз районига гастрольга жўнаб кетган эди.

Бу группа шу кунларда райондаги Сталин номли, Орджоникидзе номли колхоз меҳнаткашлари ва совхоз ишчиларига концерт қўйиб бераётир. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Мукаррама Тургунбоева, республика халқ ҳофизи Ма'муржон Узоқов, республикада хизмат кўрсатган артист Муҳаммаджон Мирзаевлар концерт номерларини моҳирлик билан ижро этиб, меҳнаткашлар олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Эстрада артистлари райондаги бошқа колхозларда ҳам концерт берадилар.

Г. ҲАСАНОВ.

Колхоз қишлоғи обод бўлмоқда

Чиноз районидаги Ленин номли колхознинг правлениеси ҳамда партия ташкилоти колхоз қишлоғини ободонлаштириш ишларига алоҳида э'тибор бермоқдалар. Ўтган йилнинг охирларида 450 киши сиғадиган ҳамматаль клуб биноси қурилди ва фойдаланишга топширилди. Болали аёлларга қулай шароит яратиб бериш мақсадида 100 қойкали янги типда болалар яслиси ишга туширилди.

Ҳозир колхоз қишлоғини айланган киши ҳарбир хонадонда радио точкалари борлигини кўриб қувонади. Дала шийпонларининг ҳаммасида радиопрёмниклар гапириб турипти. Шунингдек, бригадалараро алоқани мустаҳкамлаш мақсадида телефон точкалари қурилди.

Колхоз правлениеси бу йил колхоз қишлоғини электрлаштириш ишини планлаштирди ва бунинг учун маблағ ҳамда ишчи кучлари ажратилди. Бу тадбирлар натижасида қишлоқ тобора обод бўлиб бораётир.

Н. СОБИРЖОНОВ.

Совет-Финляндия илмий-техника ҳамкорлиги Комиссиясининг биринчи сессияси тўғрисида

А Х Б О Р О Т

СССР билан Финляндия Республикаси ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги Битимга мувофиқ, Москвада шу йил 17—25 февральда Совет-Финляндия илмий-техника ҳамкорлиги Комиссиясининг биринчи сессияси ўтказилди.

Совет-Финляндия Комиссияси иккала мамлакат ўртасида 1956 йилда илмий-техника ҳамкорлигини амалга ошириш программасини муҳокама қилди ва Протокол имзоланди. Бу протокол иккала томоннинг фан ва техника, саноат ишлабчиқариши ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муваффақиятлар билан таништириш юзасидан бўлган ўзаро мажбуриятларини белгилаб беради.

Имзоланган Протоколга мувофиқ, совет ташкилотлари ва муассасалари 1956 йилда совет фанининг математика, физика, электротехника, ёғочнинг химия технологияси, тилшунослик, археология ва медицина соҳасидаги муваффақиятлари билан таништирмоқ учун фин олимларини ва мутахассисларини қабул қиладилар. Фин олимлари ва мутахассислари, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатидаги илмий-текшириш муассасаларининг иши билан, гидроэлектростанциялар ва электр симлари линиялари қурилиши билан, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигини олиб бориш билан, шунингдек давлат архивлари ва музейларидаги ҳужжатли материаллар билан таништириладилар.

Фин олимлари ва мутахассислари СССРда илмий темаларда докладлар қилишга розилик билдирдилар.

Совет ташкилотлари Финляндия тарихига тааллуқли бўлган ва Финляндия муассасаларини қизиқтираётган ҳужжатли материалларнинг микрофотокопияларини, шунингдек гидро-техника ишларига доир техника ҳужжатларини беришга рози бўлдилар.

Финляндия ташкилотлари, муассасалари ва фирмалари 1956 йилда ўзаро ҳамкорлик шартларида совет олимларини ва мутахассисларини қабул қиладилар ва уларни ёғочсозлик саноатидаги ҳамда кемасозликдаги илмий-текшириш ишлари билан, шунингдек ёғоч тайёрлаш, тахта тилиш ва целлюлоза-қоғоз саноати, гидроэлектростанциялар қурилиш, бинокорлик ва изоляция материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамда қишлоқ хўжалик соҳасидаги энг янги муваффақиятлар билан таништирадилар.

Совет олимлари ва мутахассислари Финляндияда бўлган вақтларида фин олимлари ва мутахассислари учун илмий темаларда докладлар қиладилар. Шу йил ёз фаслида фин ва совет олимлари Болтиқ денгизида биргаликда океанография ишлари олиб борадилар.

Комиссия 1956 йилда ўқув институтлари ва лабораторияларни билан таништирмоқ учун СССРга фин профессорлари, ўқитучилари ва студентларининг экскурсиясини ҳамда Финляндияга совет профессорлари, ўқитучилари ва студентларининг экскурсиясини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Совет-Финляндия илмий-техника ҳамкорлиги Комиссияси тўғрисидаги Низом кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Сессия Протоколини Финляндия томонидан Комиссиянинг Финляндия қисми Раиси, мухтор Министр П. Ю. Хюннинен, совет томонидан Комиссиянинг Совет қисми Раиси СССР қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлигининг ўринбосари М. П. Сердюков имзоладилар.

Сессиянинг ишида Финляндия томонидан профессор Эдвард Вегелиус, профессор Нильс Вестермарк, профессор Куста Вилкуна, инженер Турольф Лассениус, доктор Вяйно Кауконен қатнашдилар, сессиянинг ишида Совет томонидан Иқтисодий алоқа ишлари Бош бошқармаси бошлиғининг Ўринбосари профессор А. Н. Лавриштчев, Кемасозлик саноати министрининг Ўринбосари Б. Е. Бутома, СССР Бинокорлик материаллари министрининг Ўринбосари К. В. Никулин, Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси Б. А. Серебренников, инженер В. С. Соломко, инженер В. П. Шустров қатнашдилар.

Финляндия делегацияси Совет Иттифоқида бўлган вақтида М. В. Ломоносов номидаги Ленин ордени Москва Давлат университетини, К. А. Тимирязев номидаги Ленин ордени Москва қишлоқ хўжалик академиясини, СССР Фанлар академиясининг Тарих фанлари бўлимини, В. И. Ленин номидаги СССР Ленин ордени Давлат кутубхонасини, Марказий ёғоч-химия илмий-текшириш институтини, ёғочни механика усулида қайта ишлаш марказий институтини, Ўрмон саноатининг механизация ва энергетика марказий илмий-текшириш институтини, Давлат тарих музейини, СССР Фанлар академиясининг Атом электростанциясини ва бошқа муассасаларни бориб кўрди.

Сессиянинг иши, шунингдек фин ва совет олимлари ҳамда мутахассисларининг учрашувлари ва суҳбатлари дўстлик ҳамда ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Афғонистонга техника ёрдами бериш тўғрисида Совет-Афғонистон битими

КОБИЛ, 3 март. (ТАСС). 1 мартда Кобилда ССР Иттифоқи Ҳукумати билан Афғонистон Король Ҳукумати ўртасида Афғонистоннинг экономикасини ривожлантиришда унга техника ёрдами бериш тўғрисида битим имзоланди. Бу битимга биноан, СССР Ҳукумати Афғонистонга бундан илгари 100 миллион америка доллари миқдорида берилган кредит ҳисобига иккита гидроэлектростанция, учта авторемонт корхонаси қуришда, Ҳиндиқуш тоғ тизмаси орқали автомобиль-арава йўли, ирригация иншоотлари ва физика-химия лабораторияси қуришда, шунингдек Баграмда аэродром қуришда ва Кобил аэродромини реконструкция қилишда Афғонистонга техника ёрдами беришни та'минлайди.

Совет ташкилотлари Афғонистонда азот ўғитлари заводи қуришга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган зарур қидириш ишларини ҳам бажарадилар.

Мазкур об'ектлар учун проект ишлари бажарилади, зарур материаллар ва ускуналар етказиб берилади ҳамда Афғонистонга совет мутахассислари юборилади. Бу мутахассислар қурилиш ишларида ва ускуналарни монтаж қилишда, об'ектларни ишга туширишда ва ўзлаштиришда, шунингдек афғон мутахассисларини тайёрлаш ишида ёрдам берадилар.

КОРРОЗИЯ ЮЗАСИДАН ЧАҚИРИЛАДИГАН КОНФЕРЕНЦИЯГА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ АҚШГА КЕЛИШИГА РУХСАТ БЕРИЛМАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 март. (ТАСС). Коррозия соҳасида ишлаётган инженерлар Америка миллий ассоциацияси бош конференциясининг раиси СССРнинг АҚШдаги элчихонасига мактуб юбориб, ўз мактубида совет мутахассисларини мазкур Ассоциациянинг 12 мартда Нью-Йорк шаҳрида очиладиган ҳар йилги ўниккинчи конференциясида қатнашишга таклиф этган эди. Мактубда «Коррозия миллий чегараларни танимайдиган жаҳон проблемаси бўлиб қолганлиги сабабли, бу конференцияда қатнашмоқ учун бошқа давлатларнинг коррозия соҳасида ишлаётган мутахассисларини таклиф этишга қарор қилинди» дейилган эди.

Манфаатдор совет ташкилотлари Ассоциациянинг таклифини қабул қилиб, бу конференцияга коррозия соҳасида ишлаётган бир группа мутахассисларни юборишга тайёр эканликларини билдирган эдилар. Совет мутахассислари мазкур конференцияда докладлар қилмоқчи бўлган эдилар.

Шу муносабат билан 2 февральда СССР Ташқи ишлар министрлиги Москвадаги Америка элчихонасига мурожаат қилиб, конференциянинг ишида қатнашмоқчи бўлган бир группа совет мутахассисларининг Америкага бориши учун рухсат бериш имкониятини аниқлашни сўраган эди.

Ма'лум бўлишича, АҚШ Давлат департаменти 28 февральда СССРнинг Вашингтондаги элчихонасига совет мутахассисларининг Америкага келишлари учун рухсат берилмаганлигини билдирган.

ФРАНЦИЯ БЛАН СССР ЎРТАСИДА МАДАНИЙ АЛОҚА МАСАЛАСИГА ДОИР

ПАРИЖ, 2 март. (ТАСС). «Юманите» газетаси хабар беради: Париж муниципал кенгашининг раиси Жак Ферон «Франция-СССР» ассоциацияси Сена департаменти Миллий комитетининг делегациясини қабул қилди. Суҳбат вақтида Париж билан Москва ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари тўғрисида гапирилди.

ПОКИСТОННИНГ БИРИНЧИ КОНСТИТУЦИЯСИ ТАСДИҚЛАНДИ

КАРАЧИ, 2 март. (ТАСС). Бугун Покистон генерал-губернатори Искандар Мирза мамлакатнинг шу йил 29 февральда та'сис мажлиси қабул қилган биринчи конституциясини тасдиқлади.

«КПСС ХХ С'ЕЗДИ БУТУН ДУН'Ё Э'ТИБОРИНИ ҲАЛИ УЗОҚ ВАҚТ ЎЗИГА ЖАЛБ ҚИЛИБ ТУРАДИ»

ЖЕНЕВА, 2 март. (ТАСС). Швейцария матбуоти КПСС ХХ с'ездининг якунларини ҳамон шарҳлаб ёзмоқда.

«Газетт де Лозанн» газетасининг обзорчиси Ж. Геер бундай деб ёзади: «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ХХ с'езди ҳали узоқ вақт э'тиборни ўзига жалб қилиб туради. Шуни э'тироф қилиш керакки, деб ёзади ўз сўзини давом эттириб обзорчи, ҳалигача урушдан кейинги даврда коммунистларнинг бирорта ҳам расмий йиғилиши бундай катта аҳамиятга эга бўлмаган эди».

Ж. Геер уқтириб ўтадики, КПСС ХХ с'езди партиянинг коллектив раҳбарлик принципларига ва тинч-тотув яшашдан иборат бўлган ленинча принципга, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати негизини ташкил этган бу принципга содиқ эканлигини та'кидлади.

Бирқанча газеталар социал-сиёсий системалари бошқа-бошқа бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принципининг амалга оширилиши ниҳоятда зарур эканлигини қайд қилиб ўтмоқдалар.

Шу муносабат билан ба'зи газеталар АҚШнинг позициясини, жумладан, КПСС ХХ с'ези якунларини баҳолашда Даллес тутган позицияни танқид қилмоқдалар. «Фостер Даллес жаноблари, — деб ёзади «Сантинель» газетаси, — бирор нарса айтиш учунгина Россиядаги кейинги воқеани советларнинг бундан аввалги сиёсати муваффақиятсизликка учраганлигининг натижаси деб ва Атлантик иттифоқи сиёсатининг натижаси, я'ни АҚШ юргузаётган «зўравонлик позицияси» сиёсатининг муваффақияти деб изоҳлади». Газетанинг ёзишича, Совет Иттифоқи ядро қуроли соҳасида АҚШнинг монополиясини тугатганидан кейин Даллес «эски шиорларни такрорламаслиги, балки ўз тактикасини ўзгартириш тўғрисида ўйлаб кўриши лозим эди». Газета уқтириб ўтадики, «Совет Иттифоқининг индустриал ривожланиши гоят каттадир» ва Яқин Шарқ ҳамда Осиё мамлакатларида унинг та'сири ўсиб бормоқда, шу билан бирга «АҚШ Хитойга киритаётган эшикларни ўз қўли билан бекитиб қўймоқда ва иқтисодий ёрдам эвазига бошқа мамлакатларни ҳарбий иттифоқларга киришга мажбур этиб бу мамлакатларда норозилик туғдирмоқда».



Прага. Чехословакия меҳнаткашлари КПСС ХХ с'ездининг қарорларини шоду-хуррамлик ва кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Витковицдаги Клемент Готвальд номли металлургия заводининг янги қуюв цехида ўтказилган суҳбатдан кейин цех коллективи 2 миллион 392 минг крон (крон — 56 тийинга яқин) миқдорида маблағ тежаш мажбуриятини олдилар. **Суратда:** ишчилар мажбуриятга қўл қўймоқдалар.

Финд фотоси (Чехословакия телеграф агентлиги).

Германиянинг бирлиги масаласи блан шуғулланучи комитетда матбуот конференцияси

БЕРЛИН, 2 март. (ТАСС). Буерда Германиянинг бирлиги масалалари блан шуғулланучи комитетнинг матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Матбуот конференциясида немис ва четэл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Матбуот конференциясида комитет секретари В. Гирнус ва комитет раиси Г. Лох сўзладилар. Улар, Гитлер ҳукмронлик қилган пайтда оғир жиноятлар қилган ва ҳозирги вақтда Германия Федерал Республикасининг давлат аппаратида раҳбар мансабларни эгаллаб турган кўп шахслар борлигини айтдилар.

Г. Лох уқтириб айтдики, бу ҳол Германияда тинчлик иши ва демократия учун асосий хавф ҳисобланади. Бу шахсларни раҳбар мансаблардан четлаштирмасдан туриб, деди у, Германияни тинчлик ва эркинлик шароитда бирлаштириш мумкин эмас. Шу муносабат блан Г. Лох Умумгерман тергов комитети ташкил этишни таклиф қилди. Бу комитет ҳозирги вақтда Гарбий Германиядаги ҳукумат идораларига раҳбарлик қилиб турган кишиларнинг жиноятларини текширши лозим.

Немис ва четэл матбуотининг вакилларига жиноятчиларни фош қиладиган материаллар ўқиб эшитдирилди.

Жанубий Кореяда қалин қор ёғди

НЬЮ-ЙОРК, 2 марта, (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг Сеулдан хабар қилишича Жанубий Кореяда кейинги 40 йил ичида ҳеч кўрилмаган даражада тўрт кундан буён тўхтовсиз қор ёғмоқда. Қорнинг қалинлиги ба'зи жойларда 2 — 4 метрга етди. Қорнинг оғирлиги орқасида мустаҳкам бўлмаган бараклар ва аҳоли кулбалари қулаб тушмоқда. Жанубий Корея ҳарбий ма'мурларининг расмий ма'лумотларига қараганда, қор ёғиши натижасида 78 солдат ўлган.

Ян Синнинг сўнгги кунлари

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Ян Син қимир этмади-бўй сунмаганидан эмас, йўқ у ҳушидан кетган эди. Ёрдамчи эшикка чиқиб сув олиб келди-да, Ян Синнинг юзига сепди. Бирнеча муддат ўтгач, у ўзига келди. Ёрдамчи уни кўтарди-да, скамейкага ўтқазиб қўйди. Ян Син полга чўзилди. Жаллод ва унинг ёрдамчиси Ян Синни қўлидан судраб камерага олиб киришди-да, қулфлаб қўйишди.

Ян Син жаллодлар ташлаб кетган жойда ётар, бурни ва оғзидан қон оқар эди. Ерда қондан ҳалқоб пайдо бўлди. Бу биринчи сабоқ эди. Иккинчиси ўша куни кундузи соат учга яқин бошланди. Бу сафар Ян Синнинг олдинга тортилган қўлларига «билакузуклар» тақишди ва узунлиги тахминан ўн фут, кенглиги олтига яқин ва баландлиги уч фут келадиган бакнинг олдига олиб келишди. Ян Синни бакнинг бир четига ўтқазишди. Тюрьмачи уни кўрсатган томонга қарашга буюрди. Ян Син олдинда дорни кўрди. «Нима кўраяпсан?», «Дорни, сэр!» жаллод Ян Синни сувга итариб юборди. Унинг ёрдамчиси бакка сакраб тушди-да, оёғи блан Ян Синнинг елкасидан эзиб, унинг бошини бакнинг тубига босди. Ян Син жаллодчининг оёғи остида ночор инграр эди. У нафаси қайтиб кетай деганда ёрдамчи оёгини олди ва Ян Синни сув бетига олиб чиқди. Жаллод: «Отинг нима?» деб сўради. Ян Син ҳавзадаги ўртоқларидан бу найранг ҳақида эшитган эди. «Мисс Ян Син!» — деб жавоб бериш керак эди. Жаллодлар ўз қурбонларини тўғри жавоб олгунларича «чўмилтираверар» эдилар.

Ян Син энди ўлимдан қўрқмас эди. У ўлимидан хурсанд эди. Унинг иродаси ҳам синмаганди. Лекин у бу азобларни тортишга энди унинг қудрати етмас, шунинг учун у тўғри жавоб берақолди. «Чўмилтириш» тўхтатилди. Иккала жаллодчи Ян Синнинг орқасидан таёқ блан уриб-сўкиб камерага олиб боришди. Бундай жаллаш тюрьма дахмасида «ёмғирли шамол» деб аталарди. Биринчи куннинг сабоқлари шундай эди.

Ян Син камеранинг полида ғужанак бўлиб ётарди. Ҳамма ери тимдаланган, қонталаш блан қопланган бадани зирқираб оғрирди. Тун. Тюрьма сукунатга чўмган: уни фақат ҳар соатда уриладиган гонгнинг жаранги-ю, тунги соқчиларнинг бир-бирларини чақирган товушлари бузарди. Оғир иш кунини ўтказган маҳбуслар қаттиқ уйқуга кетган. Ёлғиз Ян Сингина мижжа ҳам қоқмай, ҳамон одамнинг одамга нисбатан шафқатсизлиги ҳақида мулоҳаза юритарди. Ахир у ҳали унга аталган ҳамма азобларни тотиб кўрмаганку!

Улар ҳали унинг қўлини столга қўйиб суякларини оғир галтак машина блан пачақламагандилар. Улар ҳам унинг бармоқлари орасига икки учи ўткирланган мис тўгоногич тиқишмаган ва тўгоногичлар гўшт блан суякдан ўтмагунча қўлини қисмагандилар. «Ёмғирли шамол» остидаги сув тўлдирилган бакка қаҳрли куни боришни? Калтаклаш аралаш тахоман ҳолдан тойгунча оғир меҳнат блан жазолашни? Одам нажосатини зўрлаб едиришни? Буларнинг ҳаммаси олти ҳафталик азоб даврида Ян Синни кутиб турган эди. Бирорта «каллакесар» бундан қутилаолмаган эди. «Каллакесар»нинг қўлидан келган нарса жуда нари борганда агар тюрьма ҳукмдорларининг зудмини юмшатаолса ва ташқаридан қандайдир та'сирни қўллайолса, азобни тўрт ҳафтага камайтираолади, холос. Маҳбусларнинг кўпи чидайолмай ўзини ўзи ўлдирарди. Бировлари яширин равишда кўкрагида осилиб турган бирканинг четини ўткирлаб, ўз жинсий а'золарини кесиб ташларди. Бошқалари эса ўзларини осардилар.

Ян Син Ҳавза тюрьмасидалигида бундай ҳодисаларни эшитган эди. Ҳозир ўзи ҳам шу аҳволда эди. Ян Син ўзини ўлдирганларнинг фикрига тамоман қўшилган эди.

Киши ўз ҳаётида бўлган муҳаббатга мадад беруви шодлик туфайли дун'ёда яшайди. Агар ана шу шодликлар бўлмаса яшашнинг ҳам ма'носи йўқ. Ян Син кўп ҳафталар шу ҳақда ўйлашдан тинмас эди.

У ердан турди-да, ўз камерасининг темир панжарасидан тунги зулматга бир минутча тикилди. Кейин бир хўрсиниб эгнидаги тюрьма кийимига қаради ва секин-аста уни тасма-тасма қилиб йиртабошлади. У вентиляторга қаради ва охирги кучини тўплаб тирмашган одамдек, эшикнинг темир панжарасига чиқиб олди. Қабул қилган қарори унга янги куч бағишлагандек эди. У ҳамма тайёргарликларни тугатган ва вентиляторнинг стерженини қисиб турган қўлини бўшатишга тайёр эди. Бирдан унинг кўзи олдида севимли ёри Нгве Кхиннинг порлоқ образи гавдаланди. Ян Син қотиб қолди. Афсус, ҳечнарса ҳабадий турмайдиган бу хомхаёл дун'ёсидаги кўзга кўринган нарса узоқ давом этаолмасди! Нгве Кхин образи кўздан ғойиб бўлиши блан Ян Син кўзларини юмди-да, пастга қулаб тушди.

Эртасига тюрьма жаллодлари Ян Синнинг жасадини олиб чиқиб кетишди. Ўлганларни қайд қиладиган дафтарда: «Қуролли ҳужум қилгани учун қамалган Сханзу қишлоқли Ян Син безгакдан ўлди», — деган ёзув пайдо бўлди. Бўлиб ўтган ҳодисани бошқа ҳечнарса эсга туширмади. Моулмейн тюрьмасининг ҳаёти ўз йўли блан борар эди.

(«Огонёк» журнали 1955 йил № 52).

М. ЯҲ'ЁЕВ таржимаси.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да кундуз **Бой ва хизматчи**, кечқурун **Бир шахснинг иши**, 6/III да **Чин муҳаббат**.

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да кундуз **Қизил гул**, кечқурун **Лайли ва Мажнун**, 5/III да **Евгений Онегин**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/III да кундуз **Сингиллар қиссаси**, 4/III да кечқурун **Азиз ва Санам**, 5/III да **Офтобхон**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 5/III да **Катта концерт**. Концертда эстрада солисти **Берта Давидова** (Ўзбек халқ қўшиқлари), республикада хизмат кўрсатган артистлар **Жалол Асимов, Набижон Ҳасанов, Абдулҳақ Султонов** ва бошқалар қатнашади. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Бугун ва ҳар куни **цирк усталари** иштироки блан **катта тамошалар**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта тамоша** кўрсатилади.

«РОДИНА» (эрталаб соат 9-30 дан 1 гача ва кечқурун соат 5 дан), «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (соат 1 дан), НАВОИ НОМЛИ (соат 1 да ва кечқурун соат 5 дан), «ЎЗБЕКИСТОН» (соат 4 дан) янги итальян бадиий фильми — **Рўёбга чиқмаган орзулар**.

«РОДИНА», (соат 11 да ва кундуз соат 3 да) «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 9-30 ва соат 11 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 дан 2 гача), НАВОИ НОМЛИ (соат 2 гача) — **Барабанчининг тақдири**, «ЕШ ГВАРДИЯ», (кечқурун) — **Севги ёши**.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34046. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00669. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1388.